

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**35-сон**  
**(899)**  
**2019 йил**  
**31 август**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

618. «Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Париж, 2001 йил 3 апрель) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 26 августдаги ЎРҚ-553-сон Қонуни
619. «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 26 августдаги ЎРҚ-554-сон Қонуни
620. «Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенциясини (Женева, 1969 йил 25 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 27 августдаги ЎРҚ-555-сон Қонуни
621. «Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенциясини (Женева, 1947 йил 11 июль)

- ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 27 августдаги ЎРҚ–556-сон Қонуни
622. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 27 августдаги ЎРҚ–557-сон Қонуни
623. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги ЎРҚ–558-сон Қонуни
624. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 августдаги ЎРҚ–559-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

625. «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги ПФ–5787-сон Фармони
626. «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги ПФ–5789-сон Фармони
627. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 августдаги ПФ–5794-сон Фармони
628. «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ–4424-сон қарори
629. «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ–4426-сон қарори
630. «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги ПҚ-4427-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

631. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 августдаги 7-сон «Хайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун ундирилдиган тўловлар миқдори ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3177*)
632. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 38-ққ, 90-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2820-1*)
633. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/18-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1047-4*)
634. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 366-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-6*)
635. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 367-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 524-2*)
636. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 368-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1354-1*)
637. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 369-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан

- чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1453-1*)
638. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 370-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1679-3*)
639. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 371-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2162-1*)
640. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 372-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979-1*)
641. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлигининг 2019 йил 9 августдаги 33-2019-ққ, 91, 5-сон «Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3130-1*)
642. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 августдаги 374-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 523-4*)
643. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 августдаги 375-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1395-1*)
644. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/6-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-6*)
645. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил

10 августдаги 18/5-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-5*)

646. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 19 августдаги 202-мх-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2794-1*)

647. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 августдаги 2019-52, 94, 352-В-сон «Тижорат банклари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3178*)

648. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/7-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-11*)

649. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 августдаги 381-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3044-1*)

650. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил 23 августдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 24 августдан 30 августгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**618** Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Париж, 2001 йил 3 апрель) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 12 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битим (Париж, 2001 йил 3 апрель) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
ЎРҚ-553-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**619** Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 3 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинев, 2002 йил 7 октябрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
ЎРҚ-554-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**620** Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенциясини (Женева, 1969 йил 25 июнь) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 3 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенцияси (Женева, 1969 йил 25 июнь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
ЎРҚ-555-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 августда эълон қилинган.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**621** Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенциясини (Женева, 1947 йил 11 июль) ратификация қилиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 3 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенцияси (Женева, 1947 йил 11 июль) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
ЎРҚ-556-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 августда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**622** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 12 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 3, 157-модда, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг биринчи қисми:**

**13-бандидаги** «сенаторлар ва Сенат девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **13<sup>1</sup>** ва **13<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«13<sup>1</sup>) Сенатнинг харажатлари сметасини шакллантириш ва бажаришга доир ишларга умумий раҳбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштиришни амалга оширади;

13<sup>2</sup>) Сенатга ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги фармойишларни имзолайди»;

2) **32-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сенат фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва ушбу бюджетда алоҳида сатрда назарда тутилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил,

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 августда эълон қилинган.

№ 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 3, 157-модда, № 5, 261-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг биринчи қисми:**

**13-бандидаги** «депутатлар ва Қонунчилик палатаси девони ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **13<sup>1</sup>** ва **13<sup>2</sup>-бандлар** билан тўлдирилсин:

«13<sup>1</sup>) Қонунчилик палатасининг харажатлари сметасини шакллантириш ва бажаришга доир ишларга умумий раҳбарликни ҳамда уларни мувофиқлаштиришни амалга оширади;

13<sup>2</sup>) Қонунчилик палатасига ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги фармойишларни имзолайди»;

2) **37-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва ушбу бюджетда алоҳида сатрда назарда тутилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар) **35-моддаси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«35-модда. Қонунчилик палатасининг харажатлари сметаси**

Қонунчилик палатасининг харажатлари, шу жумладан парламентлараро ва халқаро ҳамкорликка доир харажатлари сметаси Қонунчилик палатаси девони томонидан Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси билан биргаликда тузилади.

Қонунчилик палатасининг келгуси йил учун харажатлари сметаси ҳар йилги индексация ҳисобга олинган, жорий йилдаги ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Қонунчилик палатасининг харажатлари сметаси Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Қонунчилик палатаси харажатларининг тасдиқланган сметаси уни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантириладиган лойиҳасига киритиш учун жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар) **34-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«34-модда. Сенатнинг харажатлари сметаси**

Сенатнинг харажатлари, шу жумладан парламентлараро ва халқаро ҳамкорликка доир харажатлари сметаси Сенат девони томонидан Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси билан биргаликда тузилади.

Сенатнинг келгуси йил учун харажатлари сметаси ҳар йилги индексация ҳисобга олинган, жорий йилдаги ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Сенатнинг харажатлари сметаси Сенат Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Сенат харажатларининг тасдиқланган сметаси уни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг шакллантириладиган лойиҳасига киритиш учун жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
ЎРҚ–557-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**623** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **43-модда:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза бевосита манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берилади»;

**олтинчи — тўққизинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **53<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«53<sup>1</sup>-модда. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсиялар тўлаш**

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсиялар тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсиялар суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш орқали амалга оширилади»;

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 29 августда эълон қилинган.

3) **62-модда** «бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми** «протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **36-модданинг:**

**биринчи қисми** «шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва 243<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **38<sup>1</sup>-модданинг:**

**биринчи қисми** «шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва 243<sup>1</sup>-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан

кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми** «уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **28<sup>1</sup>-боб** билан тўлдирилсин:

**«28<sup>1</sup>-боб. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш**

**254<sup>1</sup>-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш мақсади ва асослари**

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланининг олдини олиш, унинг бундан кейинги жиноий фаолиятининг олдини олиш, ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Айбланувчи ёки судланувчи паспортдан (ҳаракатланиш ҳужжатидан) фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши ёки хорижда ҳаракатланиши мумкин, деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлса, мазкур паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.

Айбланувчи паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масала ушбу бобда белгиланган тартибда, судланувчи паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги масала эса, ушбу Кодекснинг 423-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш фақат давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчига ёки судланувчи шахсга нисбатан қўлланилади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тугатишга ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини бекор қилишга сабаб бўлмайди.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш деганда паспортнинг, биометрик паспортнинг, хорижга чиқиш учун биометрик паспортнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилишини вақтинчалик тўхтатиб туриш тушунилади.

**254<sup>2</sup>-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш**

Прокурор, терговчи, суриштирувчи паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш асосларини баён этган ҳолда қарор чиқаради.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорда паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш зарурияти юзага келишига сабаб бўлган асослар баён қилинади. Қарорга илтимосномани асословчи зарур материаллар илова қилинади.

Суриштирувчининг, терговчининг паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарори ва зарур материаллар прокурорга юборилади.

Прокурор паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосноманинг асослигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорни ва зарур материалларни судга юборади.

### **254<sup>3</sup>-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома суриштирув ёки дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги материални кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг кўрсатмасига биноан бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмай ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд мажлисида прокурор, шунингдек, агар ишда қатнашаётган бўлса, ҳимоячи ва қонуний вакил иштирок этади. Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи судга чақирилиши мумкин.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш прокурорнинг маърузаси билан бошланиб, у давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчи ёки судланувчи паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиш заруриятини асослаб беради. Сўнгра ҳимоячи, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқади.

### **254<sup>4</sup>-модда. Суд ажрими**

Судья паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхта-



тиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида;

2) паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақида.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги судьянинг ажрида: кидирув эълон қилинган айбланувчи ёки судланувчи ҳақидаги маълумотлар; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш асослари кўрсатилади.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими асослантирилган бўлиши керак.

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ёки паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этиш ҳақидаги судьянинг ажрими у ўқиб эшиттирилган пайдан эътиборан кучга киради. Судьянинг ажрими ижро этиш учун прокурорга, маълумот учун эса, ҳимоячига юборилади.

Судьянинг ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан қирқ саккиз соат ичида айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячиси ва қонуний вакили томонидан шикоят берилиши ёхуд апелляция тартибида прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажримни чиқарган суд орқали берилиб, мазкур суд қирқ саккиз соат ичида уларни материаллар билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

Шикоят ёки протест бериш паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги судьянинг ажрими ижросини тўхтатиб туради.

Апелляция инстанцияси суди мазкур материалларни шикоят ёки протест билан бирга улар келиб тушган пайдан эътиборан қирқ саккиз соатдан кечиктирмай кўриб чиқиши керак.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини, протестини кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

судьянинг ажримини ўзгаришсиз, шикоятни ёки протестни эса, қаноатлантирмасдан қолдиришга;

судьянинг ажримини бекор қилишга ва паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришга ёки паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туришни рад этишга ҳақли.

### **254<sup>5</sup>-модда. Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги суд ажрими устидан шикоят бериш**

Паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилган шахс паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги судьянинг ажрими устидан у тегишли вако-

латли органга келтирилган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

**254<sup>6</sup>-модда. Амал қилиши тўхтатиб турилган паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) ўрнига янги паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) бериш**

Айблов ҳукми чиқарилганда ёки ушбу Кодекснинг 84-моддаси асосида айбдорлик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилганда суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда янги паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) берилиши билан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тикланади»;

5) **302-модданинг биринчи қисми** «ёки уй қамовига жойлаштирилгани» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши қонунга хилоф равишда тўхтатиб турилгани» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **310-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:  
«Қонунга хилоф равишда ҳукм қилинганлиги ёки ишда айбланувчи, судланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганлиги муносабати билан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тўхтатиб турилган шахсга янги паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) бериш йўли билан паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилиши тикланади»;

7) **345-модданинг иккинчи қисми** «175» рақамидан кейин «моддаларида, 177-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **381<sup>2</sup>-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «177» рақами «177-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **382-модданинг учинчи қисми:**  
қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:  
«паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида судга илтимоснома киритади ёки илтимосномага розилик беради»;

**тўққизинчи — ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи — ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

10) **423-модданинг иккинчи қисми** «Суд эҳтиёт чораларини қўллаш (ўзгартириш, бекор қилиш) тўғрисидаги» деган сўзлардан кейин «паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-

маси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **17<sup>1</sup>-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари, шунингдек улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ имтиёздан фойдаланган ҳолда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус фото- ва видео қайд этишнинг автоматлаштирилган техник воситалари орқали қайд этилган тақдирда ҳамда кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганликни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда ҳайдовчиларнинг маъмурий қоидабузарлиги охириги зарурат ҳолатларида содир этилган деб топилади ва маъмурий иш ушбу Кодекснинг 271-моддасига мувофиқ тугатилади»;

2) **49 — 49<sup>3</sup>-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«49-модда. Мехнат ва мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Мансабдор шахс томонидан мехнат ва мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, бундан била туриб ғайриқонуний ишдан бўшатиш мустасно, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни вояга етмаган шахсга нисбатан содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**49<sup>1</sup>-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш**

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**49<sup>2</sup>-модда. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик**

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**49<sup>3</sup>-модда. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш**

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) қуйидаги мазмундаги **49<sup>4</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«49<sup>4</sup>-модда. Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш**

Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **50 — 51-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«50-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини яратишга доир қарорларини бажармаслик, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маҳаллий меҳнат органлари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) мавжуд бўлгани ҳолда асоссиз равишда рад этиш, шунингдек иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобидан иш ўринларига ишга жойлаштиришни асоссиз равишда рад этиш, худди шунингдек аввал талабнома берилган, касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**51-модда. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш**

Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, —

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни вояга етмаган шахсга нисбатан содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **229-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«229-модда. Бўш иш ўринларини яшириш**

Бўш иш ўринларини (вакант лавозимларни) яшириш, бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) ёки ҳар бир ходим бўшатиб олинishi кутилаётганлиги тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида такдим этмаслик, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаш, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «49<sup>1</sup>, 51<sup>1</sup>» рақамлари «49<sup>1</sup>, 49<sup>4</sup>, 51<sup>1</sup>» рақамлари билан алмаштирилсин;

7) **255-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«255-модда. Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари**

Давлат меҳнат инспекциясининг мансабдор шахслари ушбу Кодекс 49, 49<sup>2</sup>, 49<sup>3</sup>, 50, 51, 229-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун — меҳнат бўйича давлат инспекторлари, меҳнат бўйича давлат ҳуқуқий инспекторлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги-

ни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун — меҳнат бўйича давлат инспекторлари, меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари, меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **45-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш муассасалари жумласига қуйидагилар кирази: жазони ижро этиш колониялари, шу жумладан даволаш ҳуқуқи асосидаги колониялар;

тарбия колониялари;

турмалар;

маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар»;

2) қуйидаги мазмундаги **52<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«52<sup>1</sup>-модда. Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар**

Маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналар бемор маҳкумларни сақлаш ва уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжаллангандир»;

3) **54-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи — тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ушбу муддат давомида маҳкум:

қариндошлари ёки бошқа шахслар билан бир марта қисқа муддатли учрашиш;

ўз шахсий маблағлари ҳисобидан тўланадиган, ўн беш дақиқа давом этадиган бир марта телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқига эга.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар суд ҳукми билан белгиланган режимнинг турига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаларига жўнатилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жўнатиш ушбу Кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади»;

**иккинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин;

4) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «Ихтисослашган даволаш муассасаларида» деган сўзлар «Даволаш ҳуқуқи асосидаги колонияларда ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **60-модда** куйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ўташ жойига бораётган ёки бир жазони ижро этиш муассасасидан бошқа жазони ижро этиш муассасасига кўчирилаётган маҳкумларни вақтинча сақлаш учун жазони ижро этиш муассасалари ва тергов хибсхоналари хузурида транзит-жўнатиш участкалари ташкил этилиши мумкин. Маҳкумлар транзит-жўнатиш участкаларида режимининг тури суд ҳукми билан белгиланган жазони ижро этиш муассасасида ўзининг жазони ўташига оид шартлар асосида, ушбу Кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда сақланади. Маҳкумларни транзит-жўнатиш участкаларида сақлашнинг энг кўп муддати кўпи билан 20 суткани ташкил этади»;

6) **69-модданинг иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний куч ишлатилиши натижасида маҳкумнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳолат тўғрисида прокурорга дарҳол хабар берилади»;

7) куйидаги мазмундаги **69<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«69<sup>1</sup>-модда. Маҳкум овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган чоралар**

Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги факти аниқланганда муассаса бошлиғи ёхуд унинг ўрнини босувчи шахс бу ҳақда зудлик билан прокурорни хабардор қилади.

Овқат ейишни рад этадиган маҳкум имкон қадар бошқа маҳкумлардан алоҳида сақланади ва тиббиёт ходимининг кузатуви остида бўлади.

Овқат ейишни рад этган маҳкумнинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбурлов йўсинидаги (сунъий ва мажбурий овқатлантириш тарзидаги) чоралар, агар унинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф таҳдид солса, шифокорнинг ёзма хулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими ҳозирлигида амалга оширилади.

Маҳкумнинг овқат ейишни рад этганлиги уни бошқа жазони ижро этиш муассасаларига ўтказишга ёхуд тергов ҳаракатларида ва суд мажлисларида иштирок этиш учун бошқа ерга кўчиришга тўсқинлик қилмайди. Зарур ҳолларда, маҳкумни бошқа ерга кўчириш тиббиёт ходими кузатувида амалга оширилади.

Маҳкумлар овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган мажбурлов йўсинидаги чораларни қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади»;

8) **71-модданинг еттинчи қисмидаги** «прокурорга хабар қилинади» деган сўзлар «дарҳол прокурорга хабар қилинади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **76-модданинг олтинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юқумли касалликларга чалинган ва стационар даволанишда бўлган маҳкумларга учрашувлар шифокор рухсати билан берилади»;

10) **77-модда:**

**биринчи қисмидаги** «бундай сўзлашувлар муассаса маъмурияти на-



зорати остида ўтказилади ва уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидан тўланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларда, тарбия колонияларида, турмаларда ва маҳкумлар учун ихтисослашган касалхоналарда жазони ўтаётган маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ҳамда уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидан тўланади»;

**иккинчи — бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) **85-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга организмнинг энергияга ва озуқавий моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжини таъминлайдиган овқат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджети ҳисобидан берилади, бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётганлар мустасно»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Манзил-колонияларда жазони ўтаётган ҳомиладор аёлларга ва эмизикли оналарга ишдан озод этилган даврида республика бюджети ҳисобидан овқат берилади.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, касаллиги туфайли ёки интизомий бўлинмага киритилиб ишдан озод қилинган маҳкумларга манзил-колонияларнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳисобидан овқат берилиб, овқатнинг қиймати кейинчалик маҳкумларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади»;

12) **96-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«96-модда. Маҳкумларнинг ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти**

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар амалга оширилмайди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тайинланган пенсияни тўлаш озодликдан маҳрум қилинган вақтда тўхтатиб турилади, бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётган маҳкумлар мустасно.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар пенсияни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиши мумкин.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга пенсия тайинлаш ва тўлаш манзил-колония жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тегишли пенсия суммаларини маҳкумларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлади»;

13) **114-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўз шахсий маблағлари ҳисобига харид қилинган озиқ-овқат маҳсулотларидан ва йўқловлардаги маҳсулотлардан мустақил равишда овқат тайёрлашни амалга оширади»;

14) **117-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;

ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;

ўн иккита посилка ёки йўқлов;

ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

15) **119-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар йил мобайнида:

беш марта қисқа муддатли ва беш марта узоқ муддатли учрашув;

саккиз марта телефон орқали сўзлашув;

саккизта посилка ёки йўқлов;

саккизта бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

16) **121-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув;

олти марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посилка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

17) **123-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ҳамда йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;

тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

тўртта посилка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

18) **125-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

йигирма тўрт марта қисқа муддатли ва саккиз марта узоқ муддатли учрашув;

йигирма тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

ўн иккита посилка ёки йўқлов;

ўн иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга»;

19) **164-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини маъмурият томонидан қайта кўриб чиқиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг ёки жазони ижро этувчи органнинг жазони ўташ-

дан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этиш ҳақидаги қарори чиқарилган кундан эътиборан уч ой ўтгач, башарти маҳкум белгиланган режимга ва меҳнатга виждонан муносабатда бўлса, амалга оширилади»;

**тўртинчи — бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **48-модданинг 8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ерларни муҳофаза қилиш юзасидан, шу жумладан суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик юзасидан ушбу Кодексга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришлари шарт»;

2) **90-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганликда».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) **15-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8,

367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 5, 267-модда, № 7, 389-модда) **67-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш колонияларида, тарбия колонияларида ва қамоқ-хоналарда жазони ўтаётган шахслардан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда сақланаётган шахслардан ундирув Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида белгиланган тартибда бутун иш ҳақидан амалга оширилади».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–298-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) 44-моддаси куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушлаб турилганлар ёки қамоққа олинганлар овқат ейишни рад этганда қўлланиладиган мажбурий тусдаги чораларни қўллаш тартиби тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**10-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 6-моддаси 2019 йил 1 сентябрдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 август,  
ЎРҚ–558-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**624** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 2 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «**Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида**»ги 425–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 97-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда) **20-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«20-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилиши устидан назорат қилиш**

Оммавий мулк объектларини тасарруф этувчилар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари устидан давлат назоратини, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида фойдаланиладиган пул маблағларининг келиб чиқиши устидан назоратни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида**»ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахбо-

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 30 августда эълон қилинган.

ротномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил № 1, 3-модда) **8-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга доир нормалар ва қоидалар бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 543–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **24-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги 545–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **22-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Ўрмон тўғрисида**»ги 770–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–475-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 423-модда) **22-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улар-

дан фойдаланиш соҳасидаги жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Радиациявий хавфсизлик тўғрисида**»ги 120–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 4, 98-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **8-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Психиатрия ёрдами тўғрисида**»ги 123–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 215-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 363-модда) **41-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Психиатрия муассасалари, шунингдек психиатрия ёрдами кўрсатувчи шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилиши мумкин».

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар; № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиб-таомилларининг жамият ва оммавий ахборот воситалари учун очиклигини, шунингдек бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирок этиши мумкинлигини»;

2) **28-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ваколатлар билан бир қаторда маҳаллий бюджетларнинг параметрларини ҳамда уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ҳам таъминлайди»;

**учинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**3) 29-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **йигирма саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин уларнинг жамоатчилик муҳокамасини таъминлайди»;

**йигирма саккизинчи** ва **йигирма тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **йигирма тўққизинчи** ва **ўттизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**4) 96-модда:**

**учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига хулоса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари бўйича хулосани икки ҳафталик муддатда тақдим этади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари мажбурий равишда эълон қилинади»;

**5) 163-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланилиши, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисидаги тегишли ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради»;



6) **167-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларнинг ташқи аудити ва уларни баҳолаш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосалари мажбурий равишда эълон қилинади».

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «**Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–369-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 127-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **5-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланилиши, ўтказилган танловлар (тендерлар) ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисида, вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириладиган тегишли ахборот»;

**еттинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** тегишинча **саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**11-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 29 август,  
ЎРҚ–559-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **625 Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юртимизни халқаро спорт майдонларида муносиб равишда танитиш, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштиришнинг самарали механизмларини жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

тугатилаётган Жамғарманинг жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича молиялаштириш функцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилади;

жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича лойиҳалар ҳамда уларнинг манзилли рўйхатлари ҳар йили Вазирлик томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда келишилган ҳолда шакллантирилади ҳамда навбатдаги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига кириштилади;

тугатилаётган Жамғарманинг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб келинган жисмоний тарбия ва спорт объектларига спорт жиҳозлари, ускуналари ва инвентарларини марказлашган тартибда харид қилиш ҳамда етказиб бериш, республика спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш харажатлари ҳар йили спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида назарда тутилади ва Ўзбе-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 августда эълон қилинган.

кистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасини шакллантириш ва молиялаштириш учун ҳар йили белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, шунингдек туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари назарда тутилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Вазирлик билан биргаликда ишлаб чиқилган 2019 йилга мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастури марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилади;

туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларини, улардаги бош бухгалтер лавозимларини қисқартирган ҳолда, сақлаш билан боғлиқ харажатлар туман (шаҳар) бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари тузилмасида 2 та штат бирлигидан иборат марказлашган бухгалтерия хизмати ташкил этилсин ва уларга марказлаштирилган тартибда туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг молия-бухгалтерия фаолиятини юритиш вазифаси юклатилсин.

4. Вазирлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳисоб рақамидаги қолдиқ маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тўловлар амалга оширилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига қайтарилишини таъминласин.

5. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, соҳани бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш, уларнинг касбий даражасини ошириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирликнинг бюджетдан ташқари «Спорт» махсус ҳисоб рақами (кейинги ўринларда — Махсус ҳисоб рақам) очилсин.

6. Қуйидагилар Махсус ҳисоб рақам маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда унинг филиаллари томонидан ташкил этилган қайта тайёрлаш курсларида ўқитишдан тушадиган маблағларнинг 20 фоизи;

Вазирлик тизимидаги юридик шахс мақомига эга бўлган идоравий мансуб ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестациядан ўтказиш

ва рухсатномалар бериш, шунингдек жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштириш ҳисобидан тушадиган маблағларнинг 15 фоизи;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида ўқитишнинг тўлов-контракт суммалари ҳисобидан тушадиган маблағларнинг 5 фоизи миқдоридagi ажратмалар;

Махсус ҳисоб рақамдаги вақтинча бўш маблағларни жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

7. Белгилансинки, Махсус ҳисоб рақам маблағларидан:

Вазирликнинг марказий аппарати ходимларига ҳар ойлик устамалар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар тўлаш;

юқори малакали хорижий экспертлар ва хориждаги ватандошларни Вазирликда ишлаш учун жалб қилиш;

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг бино ва иншоотларини сақлаш, фойдаланиш, уларни куриш ва таъмирлаш, зарур анжомлар, шу жумладан мебель, алоқа воситалари, компьютерлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича харажатларни молиялаштириш;

Вазирлик ходимларини хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш;

Вазирлик ходимларининг мамлакат ҳудудидаги ва хорижий мамлакатлардаги хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларини тўлаш;

Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Жамғарма тугатилишини инобатга олиб:

а) 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари маблағлари доирасида ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан:

жисмоний тарбия ва спорт объектларини куриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар;

туман (шаҳар) спорт бўлимларини сақлаш харажатлари;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси учун талаб этиладиган қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин;

б) 2020 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларини шакллантиришда:

Вазирликнинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ марказлашган тартибда жисмоний тарбия ва спорт объектларига спорт жиҳозлари, ускуналари ва инвентарларини харид қилиш ва етказиб бериш ҳамда спорт ва

оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасини шакллантириш учун республика бюджети параметрларида;

туман (шаҳар) спорт бўлимларини сақлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режаларини шакллантириш учун тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари, шунингдек туман (шаҳар) бюджетлари параметрларида зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилиши натижасида бўшайдиган бино ва иншоотлар, инвентарь ва ускуналар ҳамда автотранспорт воситаларини Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилишини таъминласин.

Тасдиқланган лимитдан ортиқча автотранспорт воситалари белгиланган тартибда сотилсин ва уларни сотишдан тушган маблағлар Давлат бюджетига даромадларига ўтказилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда тугатилаётган Жамғарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини иш билан таъминлаш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурида жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда спорт инвентарлари билан жиҳозлаш лойиҳаларини амалга оширишда буюртмачи функциясини бажарувчи давлат унитар корхонаси шаклидаги Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуришда илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган конструкция ва материаллардан фойдаланишни назарда тутувчи намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
ПФ-5787-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 26 августдаги  
ПФ-5787-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ПФ-3154-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-3376-сон Фармониغا илованинг 14-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4631-сон Фармониغا илованинг 10 ва 45-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-5043-сон Фармониغا илованинг 7-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон Фармониغا илованинг 27-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва

қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5456-сон Фармониغا 1-иловининг 28-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 майдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–338-сон қарори 5-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 августдаги «Андижон шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–1388-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–3162-сон қарори.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **626 Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида\***

Сўнги йилларда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг (кейинги ўринларда — раҳбар ва педагог кадрлар) касбий билим, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув жараёнига ўқитишнинг замонавий шакл ва технологиялари, жумладан масофавий таълим, вебинар технологиялари, автоматлашган мониторинг, электрон портфолио ахборот тизимлари жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, раҳбар ва педагог кадрлар малакасини оширишнинг амалдаги тартиби самараси паст бўлганлиги, кўп ресурс сарфлашни талаб этаётгани ҳамда замонавий талабларга жавоб бермаётганлиги, ушбу жараёнга инновацион ёндашувларни жорий этишни ҳамда кадрларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантириш механизмларини қўллашни талаб этмоқда.

Раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янги босқичга кўтариш, уларнинг касбий малакасини оширишнинг замонавий шакллари ҳамда илмий ва илмий-педагогик фаолият натижаларини инobatга оладиган табақалаштирилган ва муқобил узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 августда эълон қилинган.

ўз тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг 2019 йил 1 сентябрдан раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий билими, кўникмалари ва маҳоратини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ олий таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарликни ошириш;

малака оширишнинг бевосита ва касбий фаолиятга алоқадор билвосита шакллари вариатив ва бир-бирини тўлдириш тамойиллари асосида амалиётга жорий этишини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш;

раҳбар ва педагог кадрларнинг илмий-педагогик салоҳиятидан келиб чиқиб уларнинг касбий эҳтиёжларни қаноатлантиришга йўналтирилган узлуксиз малака оширишнинг шакллари мустақил танлаш ва ўзлаштириш имкониятини яратиш;

раҳбар ва педагог кадрларнинг касбий маҳоратини мунтазам ошириш асосида уларнинг илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ҳамда ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳаларидаги кўникмаларини ривожлантириш;

юқори самарали замонавий таълим ва инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини доимий янгилаб бориш, уларнинг фаолиятини зарур даражада ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш;

раҳбар ва педагог кадрларда Интернет жаҳон ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, илғор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш;

раҳбар ва педагог кадрларнинг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш, ўз касбий маҳоратини, педагогик ва илмий фаолияти самарадорлигини муттасил ошириб бориш имкониятларини яратиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, раҳбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малака ошириши:

мутахассислик бўйича мустақил малака ошириш;

муқобил малака ошириш;

таълим дастурлари асосида ихтисослаштирилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида бевосита ўқиш шакллари ўз ичига олади.

Бунда, раҳбар ва педагог кадрларга уларнинг касбий, ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, муқобил малака ошириш ёки таълим дастурлари асосида ўқиш шакллари танлаш имконияти берилади.



4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб:

рахбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ишдан ажраган ҳолда тўғридан-тўғри (бевосита) ўқиш умумий давомийлигини 144 соат этиб белгилаш;

рахбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида профессор-ўқитувчиларнинг сонидан келиб чиқиб белгиланадиган, камида 3 та штат бирлигидан иборат таълим технологиялари кафедраларини ташкил этиш;

рахбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларида самарали дарс бераётган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассислар фаолияти тахлилидан келиб чиқиб, уларга базавий лавозим маошининг 30 фоизигача ойлик устамалар белгилаш, шунингдек машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этилган малакали профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассисларни соатбай ҳақ тўлаш миқдорининг 20 фоизигача кўпайтирилган ҳолда моддий рағбатлантириш;

пенсия ёшидаги, уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар ҳамда ногиронлиги бўлган рахбар ва педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқишини масофавий шаклда ташкил этиш;

рахбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш асосида ишлаб топган бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ушбу марказлар ходимлари лавозим маошларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра 200 фоизгача устама ҳақ тўлаш;

олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари тузилмасига халқаро ҳамкорлик бўйича мутахассис лавозимини киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда рахбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва шартларини мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни 2019 йилда ижтимоий соҳа учун тасдиқланган маблағлар доирасида ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса Давлат бюджетининг параметрларида зарур молиялаштиришни ҳар йили назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан рахбар ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартибини назарда тутувчи қарор қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2015 йил 12 июндаги ПФ–4732-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
ПФ–5789-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 27 августдаги  
ПФ–5789-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги ПФ–4732-сон «Олий таълим муассасаларининг  
раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини  
ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари  
тўғрисида»ги Фармонига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. 2-банднинг биринчи хатбошисидаги «16» рақами «17» рақами билан алмаштирилсин.

2. 3-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш 2-иловага мувофиқ Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курси ўқув режасининг намунавий тузилмаси асосида ишлаб чиқилган 288 соатлик махсус дастурларнинг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади».

3. 1-илованинг рус тилидаги матнида:

«Направления переподготовки» устуни «Направления переподготовки» сўзларидан кейин «и повышения квалификации» сўзлари билан тўлдирилсин;

4-позиция «Направления переподготовки и повышения квалификации» устунидан «Зоотехния» ва «Ветеринария» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 17-позиция билан тўлдирилсин:

«

17.	Самаркандский институт ветеринарной медицины	Зооинженерия, Ветеринарная медицина
-----	---	--

».

4. 2-илованинг рус тилидаги матни изоҳининг 1-бандидан «(2 месяца)» сўзлари чиқариб ташлансин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **627** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

«Термиз» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ишончли муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш ва давлат улуши иштирокидаги хўжалик жамиятлари бошқарув органлари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 29 август,  
ПФ–5794-сон

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 29 августдаги  
ПФ–5794-сон Фармониغا  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 мартдаги «Жиззах» эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПФ–4516-сон Фармони 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қўйидаги мазмундаги учинчи — бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Белгилаб қўйилсинки:

«Жиззах» ЭИЗ таркибига киритилган ер майдонлари Жиззах вилояти эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгашининг бевосита тасарруфида бўлади;

«Жиззах» ЭИЗга кирувчи ҳудудлар ва унинг чегаралари, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрдаги «Термиз» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5540-сон Фармони 3-бандининг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Термиз» ЭИЗ қатнашчиларининг ҳудуди чегарасигача ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалар қурилиши тенг улушларда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5707-сон Фармони 7-бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 июлдан бошлаб импорт дори воситалари (дори субстанциялари бундан мустасно) ва тиббиёт буюмларини «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштиришда божхона расмийлаштируви учун йиғим суммасининг 83 фоизи».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2911-сон қарори 1-бандидан учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4112-сон қарори 5-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари билан келишилмасдан» сўзлари «белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**628 Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПФ–5041-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 11 майдаги ПҚ–2966-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ республикада ўрмон фондини муҳофаза қилиш, кўпайтириш, ундан оқилона фойдаланиш бўйича қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, қурғоқчилик ва чўлланишга ҳамда эрозияга қарши 582,6 минг гектар, шу жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида 507,2 минг гектардан ортиқ майдонда ўрмон барпо этилди. 1436,4 тоннадан ортиқ хар хил турдаги дарахт ва буталар уруғи, 108,8 млн дона ниҳол ва кўчатлар тайёрланиб, 2786 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхона ташкил этилди. Маданий ҳолда етиштириладиган доривор ва озуқабоп ўсимликлар турлари 61 турга етказилиб, 3 минг гектар майдонда доривор ўсимликлар плантациясида 4,5 минг тоннадан ортиқ доривор ва озуқабоп ўсимликлар хом ашёси тайёрланиб, 2,2 минг тоннадан ортиқ хом ашё етказиб берилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ўрмон хўжаликларининг хўжалик ҳисобидан олинган даромадлари 2016 йилга нисбатан 3,7 баробарга ошиб, 2018 йилда 133 млрд сўмга етказилди.

Шу билан бирга, ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба ва амалга оширилган ишлар таҳлили, соҳада аниқланган янги муаммо ва камчиликлар ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариш зарурлигини кўрсатмоқда.

Республика ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага хусусий капитални жалб қилишни рағбатлантириш, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги кирувчи ташкилотлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан ўрмон фонди ерларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатга беришга рухсат берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 августда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига (кейинги ўринларда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси) 2020 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма) маблағлари ҳисобидан лойиҳа асосида:

ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ерларида янгидан ҳимоя ўрмонлари барпо этиш, уларни камида бир йил давомида парвариш қилиш ва инфраструктура объектларини қуриш;

барпо этилган ўрмонлар остидаги ўрмон фонди ерларини ижарага олиш ҳуқуқини юридик ва жисмоний шахсларга нархни ошириб бориш шаклида ўтказиладиган кимошди савдолари асосида сотиш, бунда бошланғич тўлов миқдорини Жамғармадан сарфланган харажатлардан кам бўлмаган миқдорда белгилаш;

ўрмон фонди ерларини ижарага олиш ҳуқуқини сотиш билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплаш;

б) ўрмон фонди ерларини инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида юридик ва жисмоний шахсларга ижарага бериш;

в) ўрмон фонди ерларини ижарага беришдан тушадиган маблағларни тўлиқ Жамғарма даромадига ўтказиш.

3. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом;

Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача бўлган муддатда ўрмон хўжалигини ривожлантириш концепцияси лойиҳаларини киритсин.

4. Белгилансинки, юридик ва жисмоний шахсларга қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга ва реконструкция қилишга (ўрмондан ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжлари учун, лимонарий ва иссиқхоналар илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ҳамда эстетик мақсадларда, шунингдек, экологик туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш билан боғлиқ) рухсат беришда давлат ўрмон хўжалиги билан тузилган шартномалар ўрмондан фойдаланувчи ёки ижарага олувчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қабул қилинади.

5. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 1 январдан бошлаб ўрмон фонди ерларида содир этилган, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш талабларини бузишга доир ҳуқуқбузарликлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш ҳамда уларга асосан маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини (судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган ишлар бундан мустасно) ўрмон хўжалиги органлари мансабдор шахсларига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси икки ой муддатда ушбу бандга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш вако-

лати берилган мансабдор шахслар ҳамда улар томонидан кўриб чиқиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг аниқ рўйхатини белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 88-моддасига мувофиқ ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тушадиган маблағлар алоҳида ҳисобга олиб борилиши ҳамда улардан ўрмонлар ва ўрмон мевали дарахтзорларини барпо этиш ва тиклаш, қумли ерлар, сув ҳавзалари ҳамда дарёларнинг қирғоқбўйи минтақаларида дарахтзорлар барпо этиш, шунингдек, ўрмон ерлари ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартибида тушадиган маблағлар ҳамда ўрмон фонди ерларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш учун бериладиган квоталардан тегишли ташкилотлар ихтиёрида қолдириладиган тушумлар Жамғарма даромадига ўтказилади.

7. Қуйидагиларни ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикасида 2020 — 2024 йилларда ўрмон хўжалигини ривожлантириш дастури:

2020 — 2024 йилларда дарахт ва буталарнинг уруғларини тайёрлашнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда дарахт ва буталарнинг ниҳол ҳамда кўчатларини етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда тут дарахти кўчатлари етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 2а-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда ўрмон фонди ерларида ҳудудлар бўйича ўрмон барпо этиш прогноз кўрсаткичлари 3-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда чорвачилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантиришнинг прогноз параметрлари 4-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз параметрлари 5-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ўрмон хўжаликлари бўйича доривор ўсимликлар етиштириш ва тайёрлаш прогноз кўрсаткичлари 6-иловага\* мувофиқ;

2020 — 2024 йилларда мелиорация объектлари атрофида ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни кўпайтиришга йўналтирилган шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун ихота дарахтзорлари барпо этиш прогноз кўрсаткичлари 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига 1 — 7-иловаларда кўрсатилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш юзасидан жавобгарлик юклансин.

---

\* 1 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарорга 1, 2, 2а, 4, 5 ва 6-иловаларда белгиланган тадбирлар Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотларнинг тегишли маблағлари ҳисобига;

ушбу қарорга 3 ва 7-иловаларда белгиланган тадбирлар Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларга ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида, шунингдек, халқаро молия институтларининг грантлари, ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

9. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандга асосан жалб қилинадиган кредит маблағлари тегишли лойиҳани амалга оширишдан олиннадиган даромадлар ҳисобига қайтарилади.

10. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан Дархон илмий-тажриба хўжалигида хусусий инвесторлар маблағларини жалб қилган ҳолда экотуризм маскани, замонавий кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш шароитларига эга дам олиш маскани, ўрмон маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш корхонаси, замонавий иссиқхона ташкил этиш орқали ўрмонлардан қўшимча фойдаланиш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ўрмон фонди ерларидан қўшимча фойдаланиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва бажарилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳар йилги давлат илмий-техникавий дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифларига асосан:

республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитларига тўлиқ мослашган ноёб манзарали, мевали дарахтлар, буталар ва доривор ўсимликларнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамли янги экспортбоп навларини яратиш;

ўрмон фонди ерларида дарахт кўчатлари экиш, парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва бошқа агротехника тадбирларини амалга ошириш бўйича янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, агрегат ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича илмий лойиҳалар танлови эълон қилинишини таъминласин.

12. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 1 январдан бошлаб:

а) Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасида:



раиснинг инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш;

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига кирувчи бюджет ташкилотларининг 29 та штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобига таркибий бўлинмаларни янада такомиллаштириш, шу жумладан, Инвестицияларни жалб қилиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармаси ҳамда Ўрмон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортни ташкил этиш бошқармасини ташкил этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикасида Оролбўйи миллий табиат боғини, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятларида тегишлича Муборак, Хоразм, Қоровулбозор, Нурота ва Фориш давлат ўрмон-ов хўжаликларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Оролбўйи миллий табиат боғи, Муборак, Хоразм, Қоровулбозор, Нурота ва Фориш давлат ўрмон-ов хўжаликларининг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

13. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига кирувчи бюджет ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари 1,5 коэффицентга оширилган ҳолда ҳисобланади, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармалари, Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи, Бурчмулла ва Оҳангарон давлат ўрмон хўжаликлари бундан мустасно;

ушбу бандга мувофиқ ходимларнинг лавозим маошини ошириш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда қолган 50 фоизи Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор талабларига мувофиқ 2020 йилдан бошлаб ҳар йили тегишли маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

15. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимига кирувчи ташкилотларга ёш, малакали кадрларни жалб этиш, уларнинг турар жой шaroитларини яхшилаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг:

олий таълим муассасаларининг ўрмончилик йўналиши бўйича тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган пайтда тўлиқ давлат таъминотида бўлган талабаларнинг тўлов-контракт пулларини кейинчалик Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ташкилотларда камида 5 йил ишлаб бериш шарти билан Жамғарма маблағлари ҳисобидан тўлаш;

соҳа ходимларини имтиёзли шартларда турар жой билан таъминлаш мақсадида Дархон илмий-тажриба станцияси ҳудудидан 2 гектар ер участкаси ажратиш ва унда кўп қаватли арзон уй-жойлар қуриш;

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дархон қўрғони, Чимкент йўли кўчаси, 2-уйда жойлашган Ижтимоий иқтисодиёт коллежининг фойдаланил-

масдан турган бино ва иншоотларини оператив бошқариш ҳуқуқи билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг айрим қарорларига 2020 йил 1 январдан 8-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
ПҚ-4424-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**629 Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий иж-  
роия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни  
маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация ало-  
қаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш  
бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида\*\***

Мамлакатимизда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигига ҳамда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш даражасининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

\* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 августда эълон қилинган.

Хусусан, республикада ишлаб чиқарилаётган товарларга ўхшаш бўлган товарларни четдан импорт қилиш «Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзтўқима-чиликсаноат» уюшмаси, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзчармсаноат» уюшмаси корхоналари ҳамда Бухоро, Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Республикада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ягона тизим яратиш, тармоқ ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш орқали бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ва импорт ҳажмини оптималлаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари фаолиятининг инвестициялар жалб қилинишини ва экспортни рағбатлантириш билан биргаликда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнига илмий изланиш натижаларини ва замонавий инновацион технологияларни жорий қилиш орқали маҳаллий хом ашё ҳамда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштириш энг муҳим устувор йўналишлардан бири этиб белгилансин.

2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмаларига ҳокимнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозими (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) жорий этилсин. Ҳоким ёрдамчисининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республика импорт ҳажми ва номенклатурасини чуқур таҳлил қилиш асосида ҳамда ҳудуддаги мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудда маҳаллийлаштириладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг аниқ рўйхатини шакллантириш;

хорижий компаниялар ва ташкилотларнинг таклифлари ва салоҳиятини ўрганиш асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотларнинг энг кўп талаб қилинадиган турларини ўзлаштириш бўйича хорижий шерикларни саноат кооперациясига кенг жалб этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудудий маҳаллийлаштириш дастурлари лойиҳаларини шакллантириш, уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда, шунингдек ҳамкорлар топиш, узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда лойиҳа ташаббускорларига доимий равишда амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳудудий маҳаллийлаштириш дастуридаги лойиҳаларда белгиланган мақсадли параметрларга эришишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

мониторинг натижалари бўйича аниқланган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига киритиб бориш;

ҳудудда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳажми ва тех-

ник параметрлари юзасидан ахборотларни электрон кооперация порталига жойлаштириб ва янгилаб бориш;

худуддаги хўжалик юритувчи субъектларга республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг турлари, техник тавсифлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида батафсил маълумот бериш орқали ҳудудий саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ва мунтазам равишда ҳудудий саноат ярмаркаларини ташкил этиш.

3. Белгилансинки, ҳоким ёрдамчиси:

белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ва вилоят ҳокимининг ўринбосари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи билан ҳамкорликда ишларни амалга оширади;

меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарига тенглаштирилади;

битта штат бирлигидан иборат ўзининг алоҳида котибиятига эга бўлади.

4. Ҳоким ёрдамчиси раҳбарлигида маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича доимий асосда фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳ ташкил этилсин ва унинг намунавий таркиби иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасини ушбу қарорда белгиланган талабларга мувофиқ қайта кўриб чиқиб, янги тузилма ва бошқарув ходимларининг штат бирлигини тасдиқлаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар икки ой муддатда устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар (кейинги ўринда — давлат улуши юқори бўлган корхоналар), шунингдек устав фонднинг (капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат улуши юқори бўлган корхоналарга тегишли юридик шахслар бошқарув органлари йиғилишларида:

корхона раҳбарининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимини киритиш ҳамда унинг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш;

маҳсулотлар сотиб олиш бўйича импорт шартномалари (уларга қўшимча шартномалар) ва уларнинг техник талабларини корхона раҳбарининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот-технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишиш;

харидлар жараёни шаффофлиги ва асослилиги, шу жумладан маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга муво-

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилишини ҳар чоракда ташқи аудитдан ўтказиш механизмини жорий этиш;

корхоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари натижадорлиги юзасидан раҳбар ва ходимлар томонидан амалга оширилган ишлар самарадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ёки жазо чораларини кўриш мақсадида, бошқарув органлари йиғилишларида ҳисоботларни тинглаш амалиётини жорий этиш масалаларини кўриб чиқиш;

корхоналарда замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий таъминотларни жорий қилиш ташаббуси билан чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ҳар йили янгилашиб бориладиган мазкур қарорнинг 6-банди талаблари жорий этиладиган юридик шахслар (кейинги ўринларда — мониторинг юритиладиган корхоналар) рўйхатини шакллантирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасида импортни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш йўналишида белгиланган штатлар сони доирасида 6 та штат бирлигидан иборат алоҳида таркибий тузилма ташкил этилсин ва унинг асосий функциялари этиб қуйидагилар белгилансин:

бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан амалга оширилган импорт ҳажмлари ва номенклатурасини доимий таҳлил қилиш;

бюджет ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар ва мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан давлат харидлари доирасида сотиб олинган маҳсулотларнинг асосланганлигини, импортдан олинган маҳсулотларнинг, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари — резидентлардан харид қилинган импорт маҳсулотларининг нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ўрганиш;

ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижалари бўйича маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш юзасидан тайёрланган маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб бориш.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти тузилмасида 3 та штат бирлигидан иборат Иқтисодиёт тармоқларида ва ҳудудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари шўъбаси ташкил қилинсин.

10. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Гулямов Р.А.) вазирликлар, идоралар, хўжа-

лик бирлашмалари, шунингдек ҳоким ёрдамчиларининг маҳаллийлаштиришни ҳамда саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш йўналишидаги фаолиятларини мувофиқлаштиради;

мазкур қарорнинг 2, 3 ва 9-бандларида назарда тутилган штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тизимидаги 10 та ва Давлат солиқ қўмитаси тизимидаги 21 та штат бирликларини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича ваколатли орган сифатида белгилансин ва вазирликка қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича тармоқ ва ҳудудий корхоналар томонидан амалга ошириладиган тадбирларни мувофиқлаштириш;

импорт товарларига бўлган республика эҳтиёжларини доимий равишда ўрганиш орқали республикада мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

ўзлаштирилиши тавсия этиладиган талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг электрон рўyxатини янгилаб бориш орқали тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериш;

иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳаллийлаштириш дастурлари лойиҳаларини шакллантириш, уларни амалга оширишни ташкил этишда, саноат кооперацияси асосида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларнинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилишини тизимли мониторинг қилиб бориш ва ҳисоботини юритиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларни ваколатли идоралар билан биргаликда жойига чиққан ҳолда бартараф этиш чораларини кўриш.

Белгилаб қўйилсинки, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этишдаги устувор вазифаларни Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 10 кун муддатда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш, амалга ошириш ва ҳисобот тизимини юритиш ҳамда ушбу жараёнда давлат бошқаруви органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирли-

ги, Адлия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, давлат харидларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш юзасидан, шу жумладан очиқлик, шаффофликни таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кенг жалб этиш ҳамда самарадорлик ва натижадорлик таҳлили борасидаги талабларни стратегик аҳамиятга эга бўлган, товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланган хўжалик жамиятлари ва корхоналар томонидан амалга ошириладиган давлат харидларининг барча турларига нисбатан татбиқ этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини 2020-2021 йиллар давомида камида 20 фоизга оширишни, хусусан импорт улуши юқори бўлган товарларнинг республикада ўзлаштирилишини йўлга қўйиш бўйича янги лойиҳаларни ишга тушириш бўйича дастурлар тасдиқланишини назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори лойиҳасини киритсин.

Қарор лойиҳасида республикада мавжуд полимер, ип-калава, чарм, жун, ипак, мис, табиий тош, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бирламчи хом ашёларни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш ҳамда технологик асбоб-ускуналарнинг тез ишдан чиқувчи бутловчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва материалларини маҳаллийлаштириш назарда тутилсин.

15. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ички бозорда талаб юқори бўлган импортнинг ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан кафиллик ва кредит фоиз тўловларини компенсация қилиш шаклида молиявий қўллаб-қувватланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, молиявий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган тартибда Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш томонидан маъқулланган лойиҳаларга ажратилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
ПҚ-4426-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**630 Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ-5780-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб жорий этиладиган тартибга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари (кейинги ўринларда — ер участкалари) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фақат «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон он-лайн-аукцион орқали бериледи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкаларини тақдим этиш ҳоллари бундан мустасно;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 августда эълон қилинган.



жисмоний ва юридик шахсларга «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «YERELEKTRON» ААТ) аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун жойлаштириш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилади.

2. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) ер участкалари бўйича маълумотларни шакллантириш қисми бўйича:

«YERELEKTRON» ААТга ер участкалари бўйича маълумотларни киритиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг тегишли туман (шаҳар) филиаллари томонидан (кейинги ўринларда — «Давергеодезкадастр» органлари) мустақил равишда амалга оширилади;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан маълумотлар «YERELEKTRON» ААТга киритилганда «Давергеодезкадастр» органлари томонидан беш иш куни мобайнида қонунчиликда назарда тутилган зарур материаллар тайёрланади. Бунда ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати ер участкасини электрон онлайн-аукцион орқали сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади;

ер участкасини танлаш материалларини келишиш ва (ёки) у бўйича хулосалар бериш ваколатли ташкилотлар томонидан фақат электрон шаклда «YERELEKTRON» ААТ орқали унга ер участкалари бўйича маълумотлар киритилган кундан бошлаб беш иш куни ичида автоматлаштирилган тартибда амалга оширилади;

ер участкасини танлаш материалларини келишишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳудудларни ривожлантириш режалари ва қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида аниқ ер участкасида қурилиши рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар тури аниқланади, архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилади. Бунда архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш харажатлари ер участкасини электрон онлайн-аукцион орқали сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қопланади;

ер участкасини танлаш материалларини келишишда туман (шаҳар) эксплуатация ташкилотлари томонидан ҳам муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартлар тақдим этилади;

электрон онлайн-аукционга қўйиладиган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг тури ер участкасини танлаш материалларини келишишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади;

ер участкасини танлаш материаллари юзасидан Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, ёнғин хавфсизлиги ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари, санитария-эпидемиология назорати хизматининг ҳудудий таш-

килотлари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг хулосасини олиш талаби бекор қилинади;

б) ер участкасини «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционга қўйиш қисми бўйича:

ер участкаси тўғрисида мажбурий кўрсатиладиган маълумотнинг минимал ҳажми унга бўлган ҳуқуқ тури, майдони (гектарда) ва жойлашган жойи, электрон онлайн-аукционга қўйиладиган ер участкасига туташ ер участкалари (объектлари)нинг белгиланган мақсади турлари, ер участкаси кирадиган ерлар тоифаси ва тури, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларигача бўлган масофа тўғрисида маълумот, мазкур ер участкасида қурилишга рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар турлари рўйхати, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун архитектура-режалаштириш топшириғи ва техник шартларни ўз ичига олиши лозим;

ер участкаларининг бошланғич нархи ер участкаларининг тасдиқланган минимал қиймати асосида «Давергеодезкадастр» органлари томонидан келишув амалга оширилгандан ва ижобий хулоса берилгандан сўнг беш иш куни ичида аниқланади. Ҳар бир туман учун ер участкаларининг минимал қиймати ҳар йили 10 июнь ва 10 декабргача қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. Электрон онлайн-аукционга қўйиладиган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг тури, ер солиғининг йиллик миқдори, ер участкасини танлаш бўйича материалларни тайёрлаш харажатлари, шунингдек, ер участкасининг жойлашган жойи, унда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш нуқталарининг мавжудлиги ер участкасининг минимал қийматини белгилаш мезонлари ҳисобланади;

туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ер участкаси келишилган ва ижобий хулосалар олингандан сўнг беш иш куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари билан келишилган ҳолда ер участкасига нисбатан инвестиция мажбуриятлари белгиланади;

ер участкаси «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционга «YERELEKTRON» ААТ орқали автоматлаштирилган тартибда ер участкасининг бошланғич нархи аниқланган ва инвестиция мажбуриятлари белгилангандан сўнг қўшимча қарорлар қабул қилинмасдан жойлаштирилади;

в) ер участкасини «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционда сотиш қисми бўйича:

электрон онлайн-аукцион ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш ва лот тўғрисидаги маълумотни жойлаштириш аукцион бошланишидан 15 календарь кун олдин амалга оширилади, электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш муддати у ўтказиладиган кундан олдинги куни соат 24:00 да якунланади;

электрон онлайн-аукцион ўтказилмаган деб топилганда, ер участкасининг бошланғич нархини камайтиришга йўл қўйилмайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг аукцион ғолиби номига ер участкасини ажратиш бўйича қарор қабул қилиши тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

ер участкасининг нархи тўлиқ тўлангандан сўнг электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома аукцион ғолиби номига ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун «Давергеодезкадастр» органларига, шунингдек аукцион ғолибига инвестиция мажбуриятларини бажариш тармоқ жадвалини бериш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига электрон шаклда юборилади;

ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш баённома олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида амалга оширилади ва тегишли тартибда аукцион ғолибига юборилади;

инвестиция мажбуриятларини бажариш тармоқ жадвали туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан беш иш куни мобайнида тайёрланади ва аукцион ғолибига топширилади;

ер участкасининг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг баробаридан ортиқ бўлса, аукцион натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш банк кунидан кечиктирмасдан электрон онлайн-аукцион давомида белгиланган нархнинг эллик фоизи миқдо-рида аванс тўлови киритилишига рухсат этилади. Закалат киритилаётган аванс тўлови ҳисобига қабул қилинади. Қолган сумма электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб ўттиз календарь кундан кечиктирмасдан киритилади;

ер участкаси электрон онлайн-аукционда икки ой мобайнида сотилмаган тақдирда, манфаатдор шахсларнинг аризасига кўра ер участкаси «Давергеодезкадастр» органлари томонидан қайта келишилмасдан бирлаштирилиши ёки алоҳида қисмларга ажратилиши мумкин. Заруратга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан бирлаштирилган ёки ажратилган ер участкаларида қурилиши тақиқланган объектлар турлари рўйхати янгиланади;

г) архитектура ва қурилиш ишларини амалга ошириш қисми бўйича: қурилиш объектларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини мажбурий экспертиза қилиш талаб этилмайди, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган қурилиш объектлари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг бўлинмалари томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура қисмини келишиш ҳамда объектнинг зилзилага бардошлилиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича лойиҳавий ечимларини экспертиза қилиш бир вақтда амалга оширилади;

лойиҳа ташкилотлари томонидан (муҳандислик-коммуникация тармоқлари ташкилотларидан ташқари) ишлаб чиқилган муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш қурилиш органлари томонидан бино, иншоот ва бошқа объектларнинг қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш жараёни билан бир вақтда амалга оширилади;

бино ва иншоотларнинг кадастр йиғмажилдини тайёрлаш уларни фойдаланишга қабул қилишга қадар Давлат хизматлари марказларига берилган аризаларга асосан амалга оширилади. Қабул қилиш якунланганидан сўнг Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма берилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

аукцион ғолиби ёки ер участкасига нисбатан ҳуқуққа эга бўлган шахснинг айби бўлмаган тақдирда, маъмурий тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари томонидан ҳар чоракда ер участкасига нисбатан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши мониторинги амалга оширилиб, натижалари зарур ҳолларда тегишли чоралар кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади.

4. Белгилансинки, ушбу қарорнинг 2-бандида белгиланган тартибнинг бузилиши давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликнинг бузилиши деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотишга оид қонунчиликка сўзсиз риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан таъсирчан жавобгарлик чораларини қўлласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси 2019 йил 1 октябрга қадар тадбиркорлик фаолияти учун берилиши мумкин бўлмаган ҳудудлар координатларини кўрсатган ҳолда электрон хариталарни «Давергеодезкадастр» қўмитасига тақдим этсин ва келгусида уни ҳар ойда янгилаб борсин.

6. «Давергеодезкадастр» қўмитаси электрон харитани шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда «Давергеодезкадастр» қўмитаси ҳузуридаги «Геоинновация маркази» давлат унитар корхонасининг учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида ўрнатилган тартибда ер участкалари устидан мажбурий назорат учиб ўтишлар амалга оширилишини таъминласин.

7. «Давергеодезкадастр» қўмитаси 2020 йил 1 мартга қадар:

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш бўйича «YER AUKSION» электрон савдо майдончасини ишлаб чиқиш лойиҳаси амалга оширилишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда ер участкаларини сотиш жараёнларининг «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасидан «YER AUKSION» электрон савдо майдончасига ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Давлат хизматлари марказларида жисмоний шахсларга фақатгина «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционда иштирок этиш мақсадида бепул асосда фойдаланиш имконини берувчи Интернет тармоғига уланган компьютер воситалари билан жиҳозланган махсус хоналарни тайёрласин;

«E-IJRO AUKSION» савдо майдончасида электрон онлайн-аукционда иштирок этиш тартиби ва қоидаларини ёритиб берувчи тарқатма ахборот материалларини ишлаб чиқсин ва Давлат хизматлари марказларининг махсус хоналарини улар билан жиҳозласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Давлат хизматлари марказларининг махсус хоналарини компьютерлар ва зарур мебеллар билан таъминласин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига электрон онлайн-аукционга қўйилган ер участкалари ҳақидаги маълумотларни ҳудудий телерадиоканалларда трансляция қилиш учун белгиланган тартибда эфир вақтини ажратиш тавсия этилсин.

«Давергеодезкадастр» қўмитаси оммавий ахборот воситаларининг сўровига асосан электрон онлайн-аукционга қўйилган ер участкалари ҳақидаги маълумотларни тақдим қилсин.

10. «Давергеодезкадастр» қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда «YERELEKTRON» ААТ ва «E-IJRO AUKSION» савдо майдончасининг ишлашини такомиллаштириш чораларини кўрсин, бунда қуйидаги имкониятлар назарда тутилсин:

барча манфаатдор шахслар, шу жумладан учинчи шахслар томонидан Интернет тармоғи орқали кириш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан ер участкалари ҳақидаги маълумотларни киритиш, шунингдек, ер участкасини танлаш материалларини келишиш жараёнини кузатиш;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш;

электрон онлайн-аукционнинг ноҳалол иштирокчилари, жумладан ер участкаси баҳосининг тўлиқ тўланишини кетма-кет икки марта таъминламаган иштирокчиларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни кейинги электрон онлайн-аукционга вақтинчалик қўймаслик;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Адлия вазирлигига материалларни тайёрлаш ва келишиш жараёнини масофадан туриб ҳар ҳафталик мониторинг қилиш, шунингдек, ер участкаси материалларини келишишда ваколатли ташкилотларнинг рад этиши қонунийлигини ўрганиш мақсадида тизимга кириш имкониятини бериш.

11. Давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатли органлар (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) давлат кадастри геоахборот тизимларини тайёрлаш ишларини тезлаштирсин ҳамда ҳар ойда кадастр объект-

лари тўғрисидаги тегишли маълумотларни «Давергеодезкадастр» кўмитасига тақдим этиб борсин.

«Давергеодезкадастр» кўмитаси раиси мазкур банд ижросини таъминламаган ёки лозим даражада таъминламаган ваколатли органларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли органларнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига кўра давлат кадастрини юритиш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

ўз вақтида ўзлаштирилмаган ер участкаларини ишлатилмаётган объектларга тенглаштириш ҳақидаги таклифларни;

Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни, шунингдек, қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ер участкаларини ушбу қарорга мувофиқ бериш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Фуломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
ПҚ-4427-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА  
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ****631 Ҳайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш  
хизматлари учун ундириладиган тўловлар миқдори  
ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3177*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон «Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ҳайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун ундириладиган тўловлар миқдори ва шартлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач киради.

**Раис****Б. НОРҚОБИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 1 август  
7-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни ривожланти-  
риш давлат қўмитасининг 2019 йил  
1 августдаги 7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Хайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш  
хизматлари учун ундириладиган тўловлар миқдори ва  
шартлари тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон «Хайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ идентификация қилиш хизматлари учун хайвонларнинг эгаларидан ундириладиган тўловлар миқдори ва шартларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом қоидалари туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари томонидан кўрсатиладиган хизматларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун сақлаётган ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўпайтираётган, боқаётган хайвонлари идентификация объекти бўлиб ҳисобланади.

**2-боб. Хайвонларни идентификация қилиш хизматлари  
учун тўловлар миқдори ва шартлари**

3. Хайвонларни идентификация қилиш хизматлари учун хайвон эгаларидан қўйидаги миқдорларда тўлов ундирилади:

хар бир қорамол, от, эшак ва туялар учун — Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг (кейинги ўринларда БХМ деб юритилади) 2 фоизи;

хар бир қўй, эчки ва чўчқалар учун — БХМнинг 1,5 фоизи;

хар бир ит ва мушуклар учун — БХМнинг 1 фоизи.

Қўй ва эчкиларга гуруҳ усулида ветеринария паспорти расмийлаштирилганда, идентификация қилиш хизматлари учун тўловлар қўй ва эчкиларнинг ҳар бирига алоҳида ундирилади.

4. Ветеринария паспорти йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келиб қолганда унинг дубликати бепул берилади.

5. Хайвонларни идентификация қилиш хизматлари туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ва хайвон эгалари ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.



6. Шартномада ҳайвонларни идентификация қилиш хизматини кўрса-тиш муддатлари, нархи, ҳисоб-китоб тартиби, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек қонун ҳужжатларида белги-ланган бошқа шартлар белгиланади.

7. Тўлов туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрига кўра, чекланмаган ҳолда, тижорат банк-лари, электрон тўлов тизими ва бошқа тўлов турлари орқали, нақд ва нақд-сиз шаклда амалга оширилади.

8. Туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлим-лари тасдиқланган шаклдаги кирим ордери ва икки нусхада қвитанцияни расмийлаштиради ҳамда пуллик тушумларнинг ҳисобини олиб боради.

Қвитанциянинг бир нусхаси ҳайвон эгасига берилади, иккинчи нусха-си туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимла-ри бухгалтериясида сақланади.

9. Туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ҳайвонларни идентификация қилиш хизматлари бўйича тушум-ларнинг статистик, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини олиб боради ҳамда ҳудудий Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасига топширади.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси ушбу ҳисо-ботларни Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси-га юборади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

10. Ҳайвонларни идентификация қилишда ветеринария муассасаси ва ҳайвон эгалари ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар музо-кара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибида ҳал этилади.

11. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

12. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Сав-до-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва то-морқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

*Молия вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2019 йил 1 август*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2019 йил 1 август*

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси*

**А. ХАИТОВ**

*2019 йил 1 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**632** Умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2820-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 344-сон «Халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 12 июлдаги 7-мх, 52-сон қарори (рўйхат рақами 2820, 2016 йил 3 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 31-сон, 383-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

Ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1, 2-бандлари 2019 йил 1 сентябрдан кучга кирази.

**Халқ таълими вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 12 август,  
38-ққ-сон

**Ш. ШЕРМАТОВ****Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 12 август,  
90-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазири ва Молия  
вазиригининг 2019 йил 12 августдаги  
38-ққ, 90-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун  
гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини  
ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида базавий ҳисоблаш миқдори ўзгарган ҳолларда, базавий ҳисоблаш миқдори ўзгарган санадан бошлаб тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади.»

3. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Тўловдан озод қилинадиган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган оиланинг мулкӣ аҳволи тўғрисидаги маълумотномага ва умумий ўрта таълим муассасаси кузатув кенгашининг хулосасига асосан аниқланади ва шакллантирилади.»

4. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Тарбиячиларнинг меҳнат ҳақи ва меҳнат таътили ҳақиға тўловлар амалға оширилганидан кейин бўшаб қолган маблағлар уларни моддий рабатлантириш харажатларига, шунингдек кузатув кенгашининг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа харажатларға эркин йўналтирилиши мумкин.»

5. 25-банд «бухгалтерияси» деган сўздан кейин «ёки халқ таълими ту-

ман (шаҳар) бўлимларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 27-банд «(бухгалтерлари)» деган сўздан кейин «ёки халқ таълими туман (шаҳар) бўлимларида марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизматининг бош бухгалтери» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Тўловлардан тушган маблағларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ҳамда мақсадли сарфланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ҳамда тегишли ҳудудий бўлимлари томонидан олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари халқ таълими муассасаларининг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари бўйича харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш юзасидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**633** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1047-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/13-сон (рўйхат рақами 1047, 2001 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 13-сон) қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг 6-банди «в» кичик

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

бандидаги «Ички ишлар органлари қўриқлаш бўлинмалари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 август,  
18/18-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**634 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-6*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 23 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютаси билан касса операцияларини юритиш тартибини (рўйхат рақами 611, 1999 йил 22 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2019 йил 9 августдаги 17-25/373-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 28 мартда 35-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютаси билан касса операцияларини юритиш тартиби (рўйхат рақами 611, 1999 йил 22 январь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 35-1-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига 1-сон ўзгартишлар (рўйхат рақами 611-1, 2000 йил 25 август);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 апрелдаги 35-2-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютаси билан касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 611-2, 2004 йил 26 май);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 8 апрелдаги 9/4-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 611-3, 2006 йил 18 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/3-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 611-4, 2018 йил 17 январь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/5-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 611-5, 2019 йил 8 апрель).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
366-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**635 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 524-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 24 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларини (рўйхат рақами 524, 1998 йил 9 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 9 августдаги 17-25/373-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 26 мартда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари (рўйхат рақами 524, 1998 йил 9 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 5 мартдаги 5, 6/1-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 524-1, 2016 йил 8 апрель).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
367-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**636 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1354-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 24 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**бюраман:**

1. «Биржа савдоларида оқшоқни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1354, 2004 йил 12 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК ва Товар хом ашё биржасининг 2004 йил 14 апрелдаги 31, 01/24-23, 62, 451 ва 42-01/193-сон «Биржа савдоларида

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.



оқшокни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1354, 2004 йил 12 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
368-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**637** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1453-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 24 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

1. «Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1453, 2005 йил 24 февраль) Идоравай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК ва Товар хом ашё биржасининг 2005 йил 24 февралдаги 51, 01/24-4, 110, 8-1/20-111 ва 07/126-сон «Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1453, 2005 йил 24 февраль) Идоравай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравай норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
369-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**638 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1679-3*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 24 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **буюраман:**

1. «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 1679, 2007 йил 8 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 24, 51 ва 01/УзРТСБ-18/10-сон «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1679, 2007 йил 8 май);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 3 сентябрдаги 98, 74 ва 01/19-18/07-сон «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1679-1, 2010 йил 16 сентябрь);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 8 февралдаги 4, 13 ва 01/19-18/04-сон «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1679-2, 2012 йил 2 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
370-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**639 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2162-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 24 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **бўюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

ни (рўйхат рақами 2162, 2010 йил 10 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2010 йил 15 ноябрдаги 103, 97-сон «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2162, 2010 йил 10 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
371-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**640 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 24 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**буюраман:**

1. «Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойни биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарорни (рўйхат рақами 2979, 2018 йил 14 март) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2018 йил 14 февралдаги 5, 24-сон «Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойини биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2979, 2018 йил 14 март) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 август,  
372-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**641** Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3130-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги 538-сон «Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 2 декабрдаги 537-сон «Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ-сон, 9-сон ва 1/103-сон қарори (рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.01.2019 й., 10/19/3130/2539-сон) билан тасдиқланган Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомнинг 1-иловаси мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 августда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 август,  
33-2019-ққ-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 август,  
91-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

**Транспорт вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 август,  
5-сон

**А. РАМАТОВ**

*Келишилди:*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*2019 йил 9 август*

**А. ШАДМАНОВ**



Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,  
Молия вазирлиги ҳамда Транспорт  
вазирлигининг 2019 йил 9 августдаги  
33-2019-ҚҚ, 91, 5-сон қарорига  
ИЛОВА

«Автомобиль транспорти ҳайдовчилари  
меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Ташкилотлар ҳайдовчиларининг (юк автомобиллари  
ҳайдовчиларидан ташқари) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича  
Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича  
РАЗРЯДЛАР**

Автомобиль синфи	Енгил автомобиль двигателининг литрдаги иш ҳажми; автобуснинг габарит узунлиги, метрда (автомобилнинг техник паспорти бўйича)	Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар	
		умумий	тиббий хизмат автомобиллари; махсус овоз ва чироқ сигналлари билан жиҳозланган автомобиллар
<b>1. Енгил автомобиллар</b>			
Ўта кичик ва кичик	1,8 литргача	1	2*
Ўртача	1,8 литрдан 3,5 литргача	2	3*
Катта	3,5 литрдан ортиқ	3	4*
<b>2. Автобуслар</b>			
Ўта кичик	5 метргача	2	3*
Кичик	5 метрдан 7,5 метргача	3	4*
Ўрта	7,5 метрдан 9,5 метргача	4	5*
Катта	9,5 метрдан 11 метргача	5	6*
	11 метрдан 15 метргача	6	7*
	15 метрдан ортиқ	7	
<b>3. Могоцикллар, мотороллерлар ҳамда бошқа икки ва уч гилдиракли мотовоситалар</b>			
Ҳар қандай синфдаги	-	1	-

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати  
Хўжалик фаолияти бошқармаси Автохўжалиги балансида бўлган енгил  
автомобиллар ҳайдовчиларига разрядлар мазкур жадвалда белги-  
ланган разрядга нисбатан уч разряд, бошқа автомобиллар ҳайдовчи-  
ларига икки разряд юқори белгиланади.

Қонун ҳужжатларида ташкилотга ўзи учун алоҳида разряд бел-

гилаш ваколоти берилган бўлса, ушбу ташкилотда мазкур жадвалда белгиланган разряддан бошқа разрядлар қўлланилиши мумкин.

\* Тез тиббий ёрдам автомобиллари ҳайдовчиларига разрядлар мазкур жадвалда белгиланган разрядга нисбатан бир разряд юқори белгиланади.».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **642 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 523-4*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 27 августдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**бўяраман:**

1. Тижорат банкларида давлат қисқа муддатли облигациялари билан боғлиқ операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобининг муваққат тартибини (рўйхат рақами 523, 1998 йил 9 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 22 августдаги 15-19/1085-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1996 йил 26 мартдаги 203-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларида давлат қисқа муддатли облигациялари билан боғлиқ операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобининг муваққат тартиби (рўйхат рақами 523, 1998 йил 9 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 августда эълон қилинган.

20 февралда 203-1-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларида давлат қисқа муддатли облигациялари билан олиб бориладиган операциялар бўйича бухгалтерлик ҳисоби муваққат тартибига 1-сонли ўзгартиришлар (рўйхат рақами 523-1, 1999 йил 1 апрель);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 20 октябрда 203-2-сон билан тасдиқланган Тижорат банкларида давлат қисқа муддатли облигациялари билан олиб бориладиган операциялар бўйича бухгалтерлик ҳисоби муваққат тартибига 2-сонли ўзгартиришлар (рўйхат рақами 523-2, 1999 йил 1 декабрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 24 октябрдаги 37/7-сон «Тижорат банкларида давлат қисқа муддатли облигациялари билан олиб бориладиган операциялар бўйича бухгалтерлик ҳисоби муваққат тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 523-3, 2014 йил 25 ноябрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 август,  
374-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**643 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1395-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 27 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,  
**буюраман:**

1. «Истеъмолчиларни табиий газ билан лимитсиз асосда таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1395, 2004 йил 30 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 2 августдаги БУ-1-7/6-3427-5-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўздавнефтгазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2004 йил 26 июлдаги 39, 73, 03/09-401, 16-1-44 ва 012-1-912-сон «Истеъмолчиларни табиий газ билан лимитсиз асосда таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1395, 2004 йил 30 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 август,  
375-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**644** Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйи-  
ладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш  
ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралда 429-сон (рўйхат рақами 905, 2000 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 5-сон) билан тасдиқланган Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 август,  
18/6-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
10 августдаги 18/6-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1.5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.5. Банкнинг кредит сиёсати банк Кенгаши томонидан йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда қайта кўриб чиқиши керак.

Йил давомида заруратга кўра кредит сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Агар кредит сиёсатининг аксарият қисмига (50 фоиздан кам бўлмаган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган бўлса, бунда кредит сиёсатини янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.»

2. Қуйидаги мазмундаги 1.5<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«1.5<sup>1</sup>. Банкнинг кредит сиёсати, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки унинг янги таҳрири банк Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг 15 кун ичида Марказий банкка тақдим этилиши керак.

Банк Кенгаши томонидан банкнинг кредит сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида Марказий банкка Кенгашнинг мажлис баёнидан кўчирма тақдим этилади.»

3. 2.3-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Кредит сиёсати банкларга тақиқловчи қуйидаги қоидаларни ўз ичига олиши керак:

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш;

илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микролиявий хизматлар кўрсатиш.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**645** **Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ–4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 август,  
18/5-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
10 августдаги 18/5-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Микрокредит ташкилотлари банклар, суғурта компаниялари ва бошқа

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 августда эълон қилинган.

молия ташкилотларнинг агенти сифатида агентлик хизматларини фақат нақдсиз шаклда кўрсатиш ва агентлик битимининг мавжудлиги тўғрисида ахборотларни ошкор қилиш, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш шarti билан қатнашиш ҳуқуқига эга.».

2. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«жисмоний шахсларга хорижий валютада микрокредитлар (микроқарзлар) бериш ва микрокредитлар (микроқарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олишга;

илгари олинган микрокредитлар (микроқарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатишга.».

3. 7<sup>1</sup>-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 9 ва 9<sup>1</sup>-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Бир қарздорга берилган микроқарз миқдори 50 млн сўмдан ошиши мумкин эмас.

Бир қарздорга берилган микрокредит миқдори 300 млн сўмдан ошиши мумкин эмас.

9<sup>1</sup>. Микрокредит ташкилотлари барча ишончли (бланкли) кредитларнинг улар шакллантирган устав фондига фоиз нисбатини мустақил равишда белгилайди.».

5. 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, микрокредит ташкилотларига жисмоний шахслардан қисқа муддатли микромолиявий хизматлар таъминотига кўчмас турар жой мулкани гаров сифатида қабул қилиш тақиқланади.».

6. Қуйидаги мазмундаги 10<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«10<sup>1</sup>. Микрокредит ташкилотлари потенциал қарз олувчини масофадан туриб идентификациялаш, маълумотлар хавфсиз алмашувини амалга ошириш ва скоринг модели асосида қарз олувчининг кредит қобилиятини баҳолашни таъминлаш шarti билан жисмоний шахсларга онлайн-кредитлар (микроқарзлар) бериш ҳуқуқига эга.».

7. 12-банддаги «энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан» деган сўзлар «600 млн сўмдан» деган сўз билан алмаштирилсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**646** Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2794-1*

Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение хизматларидан фойдаланишни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 10 майдаги 143-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2794, 2016 йил 7 июнь) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 август,  
202-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирининг 2019 йил  
19 августдаги 202-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение  
хизматларини кўрсатиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**абонент** — рақамли телевидение хизматлари кўрсатилиши учун провайдер билан ёки унинг дилери орқали шартнома тузган юридик ёки жисмоний шахс;»;

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 августда эълон қилинган.

бешинчи хатбоши оператор деган сўздан кейин «ёки провайдер» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 8-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фамилияси, исми ва шарифи (жисмоний шахслар учун);

номи, манзили, юридик манзили, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома рақами, СТИР (юридик шахслар учун);»;

бешинчи хатбоши «электрон почта манзили» деган сўзлардан кейин «— агар мавжуд бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 11-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жисмоний шахснинг талаби бўйича провайдер ёки дилер вакиллари унинг яшаш жойига бориб рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиши мумкин.».

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш учун шартнома оператор ва провайдер лицензиясининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга расмийлаштирилади. Оператор ва провайдер лицензиясининг амал қилиш муддати узайтирилганда шартнома лицензиянинг янгидан белгиланган амал қилиш муддатигача узайтирилган деб ҳисобланади.».

5. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Абонент рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш шартномаси тузилган ва танланган тариф режасига мувофиқ тўловни амалга оширган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида ёки абонентнинг хоҳишига кўра ундан кўпроқ муддатда провайдер томонидан активация қилинади ва рақамли телевидение тармоғига уланади.».

6. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан келишилган.

*Монополияга қарши  
курашиш қўмитаси раиси*

*Н. ШАРИПОВ*

*2019 йил 9 август*

*Ўзбекистон миллий  
телерадиокомпанияси раиси в. б.*

*А. ХАДЖАЕВ*

*2019 йил 9 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**647 Тижорат банклари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3178*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банклари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган қуйидаги молиявий ҳисобот шакллари тасдиқлансин:

«Тижорат банкининг бухгалтерия баланси» шакли 1-иловага\*\* мувофиқ;

«Тижорат банкининг фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи» шакли 2-иловага\*\* мувофиқ.

2. Тижорат банклари чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида қуйидаги муддатларда тақдим этадилар:

чораклик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25 кунига қадар;

йиллик молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 14 август,  
2019-52-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 августда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 14 август,  
94-сон

**Марказий банк раиси****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 14 август,  
352-В-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**648** **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-11*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сон қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 августда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 август,  
18/7-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
10 августдаги 18/7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банддаги «белгилансин» деган сўз «белгиланади» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 7-бандда:

биринчи хатбоши «муассислари» деган сўздан кейин «ёки иштирокчилари (акциядорлари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бошқа нобанк кредит ташкилотлари, бундан хорижий микрокредит ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотларининг устав фондида иштирок этиши (акцияларига эгалик қилиши) ҳоллари мустасно;»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган шахслар (микрокредит ташкилоти устав фондининг 10 фоизи ва ундан кўп қисмига эгалик қилганда).».

3. 13-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Лицензия олиш учун микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг бир ойдан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки унинг тегишли ҳудудий бош бошқармасига қуйида келтирилган зарур бўлган ҳужжатларни бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади:».

4. 14, 21-бандларнинг саккизинчи хатбошисидаги ва 38-банднинг бешинчи хатбошисидаги «ҳудудий бошқармасининг» деган сўзлар «ҳудудий бош бошқармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Агар мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатлар Мар-

казий банкнинг тегишли ҳудудий бош бошқармасига тақдим этилган бўлса, ҳудудий бош бошқарма уч кун муддат ичида ҳужжатлар тўпламини мазкур Низом талабларига мувофиқ тўлиқлигини ўрганиб чиқади, шундан кейин ушбу ҳужжатлар тўпламини мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган хулоса билан бирга Марказий банкка юборади.

6. 22-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ҳудудий бошқармасига» деган сўзлар «ҳудудий бош бошқармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 26-бандда:

биринчи хатбоши «қатнашса» деган сўздан кейин «ёки унинг устав фондида иштирок этса (акциядори бўлса)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

«в» кичик банди «муассис бўлишига» деган сўзлардан кейин «ёки унинг устав фондида иштирок этишига (акциядори бўлишига)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 27-банд «қатнашса» деган сўздан кейин «ёки унинг устав фондида иштирок этса (акциядори бўлса)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 32-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Микрокредит ташкилотининг чакана хизматлар маркази шаклидаги филиали унинг чакана хизматларни, шу жумладан нақдсиз шаклда микромолиявий хизматларни кўрсатадиган ҳамда ташкилот жойлашган ердан ташқарида ташкил этиладиган бўлинмасидир.»

10. 33-банд «номланиши «филиал» сўзи» деган сўзлардан кейин «, чакана хизматлар маркази шаклидаги филиал номланиши эса «чакана хизматлар маркази» сўзлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Микрокредит ташкилотининг филиали Марказий банкнинг олдиндан розилиги олингандан сўнг, чакана хизматлар маркази шаклидаги филиали эса у очилган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни хабардор қилиш шarti билан қонун ҳужжатларига мувофиқ микрокредит ташкилотининг бошқарув органи қарорига биноан ташкил этилади ёки тугатилади.»

12. Қуйидаги мазмундаги 40<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«40<sup>1</sup>. Микрокредит ташкилоти чакана хизматлар маркази шаклидаги филиалини очганда у очилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

чакана хизматлар маркази очилганлиги тўғрисида хабарнома;

чакана хизматлар марказини ташкил этиш тўғрисидаги микрокредит ташкилоти бошқаруви олий органининг қарори.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**649 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3044-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 28 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **бу юраман:**

1. «Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни (рўйхат рақами 3044, 2018 йил 27 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 3/3437-4625-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 26 июндаги 369-сон «Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3044, 2018 йил 27 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 30 август,  
381-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**650** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179*

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5438-сон «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 август,  
217-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 августда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг 2019 йил 23 августдаги  
217-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси  
магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5438-сон «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси (бундан буён матнда Академия деб юритилади) магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Академия магистратурасига (бундан буён матнда магистратура деб юритилади) ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан молия вазири билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

2. Магистратурага қуйидаги шахслар танлов асосида қабул қилинади:

«Юриспруденция» таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга бўлган фуқаролар (бундан буён матнда ташқи номзодлар деб юритилади);

«Юриспруденция» таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари (шу жумладан, амалдаги кадрлар захирасидаги ходимлари), шунингдек бошқа таълим йўналишлари бўйича олий маълумотга ва бевосита прокуратура органларида камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари (бундан буён матнда ички номзодлар деб юритилади).

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Академия қабул комиссияси** — магистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича танловни ўтказиш, номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва уларга консультациялар бериш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари раислигида ташкил этиладиган комиссия;

**апелляция комиссияси** — имтиҳон натижалари бўйича номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун махсус комиссия фаолиятида иш-

тирок этмаган шахслар орасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия;

**махсус комиссия** — ёзма имтиҳон жавоблари холис текширилиши ва баҳоланиши учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия;

**суҳбат бўйича комиссия** — номзодлар билан суҳбат ўтказиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари буйруғи билан 11 — 13 нафар аъзолардан иборат таркибда ташкил этиладиган комиссия;

**эксперт гуруҳи** — имтиҳон саволлари ва вазифаларини тузиш мақсадида Академия ходимлари ва тегишли соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат таркибда Академия бошлиғи томонидан ташкил этиладиган гуруҳ.

Ушбу бандда қайд этилган комиссиялар фаолиятига Академия ва прокуратура органлари ходимлари, шунингдек бошқа ташкилот ва таълим муассасалари вакиллари, тегишли фанлар бўйича экспертлар жалб қилиниши (шу жумладан шартнома асосида) мумкин.

4. Академия қабул комиссиясининг жорий ишлари Академия қабул комиссияси масъул котиби (бундан буён матнда масъул котиб деб юритилади) томонидан ташкил этилади.

Академия қабул комиссияси фаолиятида унинг уч ва ундан ортиқ аъзолари ҳамда комиссия раиси иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5. Магистратура битирувчиларига тегишли мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги диплом ва «ҳуқуқ магистри» даражаси берилади.

6. Магистратурада ўқиш муддати бир йил.

7. Магистратурага ўқишга қабул қилинган прокуратура органлари ходимларининг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даври мобайнида сақлаб қолинади.

8. Магистратурага кириш учун ҳужжатлар ҳар йили 10 июндан 10 августга қадар қабул қилинади.

9. Магистратурага ўқишга қабул қилиш номзодлар учун тенг ҳуқуқлик, қабулнинг ягона қоидалари ва танлов асосида амалга оширилади.

Тасдиқланган квоталар доирасида кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган номзодлар давлат грантлари бўйича биринчи навбатда, қолганлар рейтинг баллари асосида тўлов-контракт асосида магистратурага ўқишга қабул қилинади.

Тўлов-контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдорини белгилаш бир талабани ўқитиш билан боғлиқ асосланган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб Академия томонидан амалга оширилади.

10. Кириш имтиҳонлари ёзма имтиҳон ва суҳбат шаклида ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари ҳар йили, қоида тариқасида, август ойида, бир ҳафта муддатда, магистратурада ўқитиладиган тилда ўтказилади.

11. Ёзма имтиҳон мутахассислик фанлари ва чет тили бўйича ўтказилади.

Ёзма имтиҳон номзодларнинг мутахассислик фанлари бўйича таҳлил,

ҳуқуқий манбалар билан мустақил ишлаш ҳамда ҳуқуқий масалалар бўйича хулосаларни баён этиш борасида қобилиятларини, шунингдек чет тилларини билишнинг тегишли даражасини аниқлашга қаратилган.

12. Сухбат номзодларнинг:

юриспруденция соҳасида профессионал билим даражаси ва кўникмаларини, хусусан назарий билим ва амалий кўникмаларини мустақамлаш, ҳуқуқий манбалар билан ишлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш, аниқ ҳуқуқий қарор қабул қилиш учун мавжуд далил ва ҳолатларни юридик жиҳатдан тўғри баҳолаш қобилиятини аниқлашга;

илмий-тадқиқот олиб бориш, хусусан таҳлил қилиш, фикрлаш, юриспруденцияга оид муаммоларни аниқлай олиш, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, асосий илмий тушунчалар ва илмий-тадқиқот ишлари усуллари тушуниш қобилиятини баҳолашга;

салоҳият даражасини, хусусан муаммоларни ҳал қилишга ноанъанавий ёндашувни қўллаши, ўз устида ишлаши ва малакасини оширишга бўлган интилишини аниқлашга қаратилган.

13. Магистратурага қабул қилишни ташкил этиш ушбу Низомнинг иловасига\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## 2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш

14. Академия қабул комиссияси томонидан ҳар йили 10 майдан бошлаб ўқишга қабул қилиш муддатлари, мутахассислик номлари, қабул квоталари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Академиянинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши таъминланади.

15. Магистратурага ўқишга қабул қилиш учун номзодлар томонидан Академия қабул комиссияси раиси номига ариза топширилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

сўровнома;

таржимаи ҳол;

паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат нусхаси;

3,5 x 4,5 см ўлчамли 4 дона рангли фотосурат;

олий маълумот тўғрисидаги диплом (иловаси билан) ёки дипломдан кўчирма (Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун);

чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган даражадаги миллий ёки халқаро сертификатларнинг асл нусхаси (мавжуд бўлганда);

ички номзод учун, бундан ташқари, бевосита раҳбари томонидан ёзилган тавсиянома.

Мазкур бандда қайд этилган ҳужжатлар ариза билан бирга номзод томонидан Академия қабул комиссияси аъзоси — тегишли прокуратура органларининг кадрлар тармоқларига топширилади.

16. Академия қабул комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

номзодлар томонидан ҳужжатлар электрон шаклда Интернет халқаро ахборот тармоғи орқали ҳам тақдим этилиши мумкин.

17. Номзодлар маълумоти, чет тилини билиш даражаси, иш тажрибаси ва касб малакасига оид қўшимча маълумотларни тақдим этишлари мумкин.

18. Номзодлар томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, уларга шу куннинг ўзида ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида Академия қабул комиссияси аъзоси — тегишли прокуратура органининг кадрлар тармоғи томонидан билдиришнома берилади.

19. Ҳужжатлар белгиланган муддатда тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, номзодга камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш имконияти берилади.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

20. Номзодларнинг аризалари рақамланган ва муҳрланган китобда рўйхатга олинади.

21. Ички номзодларнинг назарий билим ва амалий салоҳияти даражаси, шунингдек илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш учун зарур бўлган қобилият ва кўникмаларга эга эканлигини аниқлаш мақсадида улар хизмат олиб бораётган жойдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиладиган прокуратура органларининг аттестация комиссияси томонидан суҳбат ўтказилади ва ички номзодларга оид ҳужжатлар ўрганилади.

22. Ички номзодлар билан ўтказилган суҳбат ҳамда уларга оид ҳужжатларни ўрганиш натижасига кўра, аттестация комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

ички номзодни магистратура кириш имтиҳонларида иштирок этишга тавсия этиш тўғрисида;

ички номзодни магистратура кириш имтиҳонларида иштирок этишга тавсия этишни рад қилиш тўғрисида.

23. Аттестация комиссиялари томонидан кириш имтиҳонларида иштирок этиши тавсия этилаётган ички номзодлар рўйхати, уларнинг аризалари ва ички номзоднинг бевосита раҳбари томонидан ёзилган тавсиянома аттестация комиссияси қарорига илова қилинган ҳолда Академия қабул комиссиясига юборилади.

24. Ички номзодлар рўйхатини шакллантириш, аттестация комиссияларида кўриб чиқиш, уларнинг ҳужжатларини Академия қабул комиссиясига юбориш магистратурага кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагунга қадар амалга оширилиши лозим.

### **3-боб. Кириш имтиҳонларини ўтказиш**

#### **1-§. Умумий қоидалар**

25. Кириш имтиҳонларини ушбу Низомга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш Академия қабул комиссиясига юклатилади.

26. Масъул котиб кириш имтиҳонларини ўтказиш санасини белгилаш ҳамда унда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган номзодлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида Академия қабул комиссияси раисига тақдимнома кирилади ва бу ҳақда Академия қабул комиссияси раисининг буйруғи қабул қилинади.

27. Кириш имтиҳонларига киритилган фанлар дастури, қоида тариқасида, имтиҳон бошланишидан бир ой олдин Академия расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

28. Кириш имтиҳонлари бошлангунга қадар Академия қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ консултациялар ташкил этилади.

29. Кириш имтиҳонларини ўтказиш жараёни видеотасвирга олинади, ундан нусха кўчириш тақиқланади.

30. Кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бинода кириш имтиҳонлари материалларини тарқатиш, йиғиб олиш ва сақлаш учун имтиҳон вақтида сейфлар билан жиҳозланган махсус хона-штаб тайёрланади.

31. Кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларда уларни ўтказиш учун санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган зарур техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилади.

32. Кириш имтиҳонлари Академия қабул комиссияси ва (ёки) у томонидан белгиланган бошқа ваколатли ташкилот томонидан ўтказилади.

Академия қабул комиссияси раиси томонидан комиссия аъзолари, Академиянинг бошқа ходимлари ва келишув асосида жамоатчилик вакиллари аудиторияларга масъул (аудитория кузатувчиси) этиб жалб қилинади.

Академия қабул комиссияси қарорига асосан кириш имтиҳонларини ўтказиш жараёни Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намойиш этиб борилиши мумкин.

33. Магистратуранинг барча мутахассисликлари бўйича кириш имтиҳонлари топшириқлари эксперт гуруҳи томонидан мутахассислик фанлари ва чет тиллари бўйича саволлар ва вазифалар шаклида тузилади.

34. Эксперт гуруҳи томонидан кириш имтиҳонлари саволлари ва вазифаларини тузишда қуйидаги талабларга алоҳида эътибор қаратилади:

а) мутахассислик фанлари бўйича:

номзодларда таҳлилий фикрлаш даражасини, ҳуқуқий манбалар билан мустақил ишлаш, шунингдек ҳуқуқий масалалар бўйича хулосаларни баён этиш қобилиятини аниқлашга қаратилиши;

тегишли фан ўқув дастурига, шунингдек тегишли соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги;

мамлакатда ўтказиляётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларини ақс эттириши;

лўнда, оддий ва рагон тилда баён этилиши;

фойдаланилган тушунча ва атамаларни турлича изоҳлаш имкониятини истисно этиши, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида ва фанда қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилиши;

умумқабул қилинган грамматик, орфографик, пунктуация қоидаларига

мувофиқ расмий тил услублари ва юридик терминологиядан фойдаланган ҳолда тузилиши;

б) чет тиллари бўйича:

номзодларнинг матн ва атамаларни тушуниш ва улардан фойдалана олиш даражасини аниқлашга қаратилиши;

қисқа, аниқ ва тушунарли тил билан ифодаланиши ва В2 даражасига мувофиқлиги;

умумқабул қилинган грамматик, орфографик ва пунктуация қоидаларига мувофиқлиги.

35. Кириш имтиҳонлари саволлари ва вазифаларининг сифати ҳамда тўғри тузилганлиги бўйича масъулият эксперт гуруҳи раҳбарига юкланади.

36. Чет тилидан кириш имтиҳонлари саволлари ва вазифалари инглиз, немис, француз ёки Академия қабул комиссияси қарорига кўра, номзоднинг хоҳишини инобатга олиб, бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин.

37. Эксперт гуруҳи томонидан билетлар шаклида тузилган кириш имтиҳонлари саволлари ва вазифалари масъул котибга сақлаш учун топширилади.

38. Кириш имтиҳонларини ўтказиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар Академия қабул комиссияси томонидан кириш имтиҳонлари бошланишидан камида бир ҳафта олдин номзодлар эътиборига етказилиши лозим.

39. Кириш имтиҳонларини топшириш учун номзодлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан белгиланган вақт ва жойга келишлари лозим.

Белгиланган вақтдан кеч қолган номзодлар имтиҳонга киритилмайди, шунингдек келмаган номзодлар учун қўшимча имтиҳон ўтказилмайди ва бундай номзодларга тегишли имтиҳон учун «0» балл қўйилади.

40. Кириш имтиҳонларини топшириш учун номзодлар мутахассисликлар бўйича гуруҳларга бўлинади.

41. Имтиҳон куни аудиторияга ўқув адабиёти, лугат, маълумотнома, жадвал, конспект, ёзув дафтари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпаргалкалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, алоқа воситалари, аудио, фото ва видео ёзиш қурилмаларини олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек имтиҳон саволлари ва вазифалари юзасидан номзодларнинг ўзаро суҳбатлашиши тақиқланади.

42. Номзодларнинг кириш имтиҳонлари давомида аудиториядан чиқиши тақиқланади. Соғлиғининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда номзодларга имтиҳон материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

43. Кириш имтиҳонларини ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган номзод кириш имтиҳонларидан четлаштирилади, бунда аудитория кузатувчиси томонидан далолатнома расмийлаштирилиб, ушбу номзоднинг имтиҳон жавоблари баҳоланмайди ҳамда у имтиҳонда иштирок этмаган ҳисобланади.

44. Кириш имтиҳонлари ўтказилаётган вақтда бегона шахсларнинг кириш имтиҳонлари ўтказиладиган бинога (аудиторияга) кириши тақиқланади.

45. Кириш имтиҳонлари учун максимал балл 250 баллни ташкил этади, ушбу баллар қуйидагилардан ташкил топади:

мутахассислик фанлари бўйича ёзма имтиҳон — 0 баллдан 100 баллгача;

сухбат — 0 баллдан 100 баллгача.

Бунда ҳар бир жавоб 100 баллик тизимда баҳоланиб, ушбу баллар қўшилади ҳамда саволлар ва вазифалар сонига бўлинади, ҳосил бўлган қиймат тегишинча имтиҳон ва суҳбатдан олинган якуний балл ҳисобланади.

чет тили бўйича ёзма имтиҳон — 0 баллдан 50 баллгача.

46. Кириш имтиҳонлари натижалари Академия қабул комиссияси томонидан тасдиқланадиган баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳоланади.

47. Кириш имтиҳонлари натижалари Академия қабул комиссияси томонидан Академия расмий веб-сайтида дарҳол эълон қилинади.

## 2-§. Ёзма имтиҳонни ўтказиш

48. Ёзма имтиҳон мутахассислик фанлари ва чет тилидан ўтказилади.

49. Эксперт гуруҳи томонидан ёзма имтиҳонни ўтказиш учун мутахассислик фанлари ва чет тили бўйича савол ва вазифалар тузилади. Бунда мутахассислик фанларидан ёзма иш, қоида тариқасида, 3 та савол ва вазифадан, чет тили — 30 та савол ва вазифадан иборат бўлади.

50. Шакллантирилган ёзма иш билетлари конвертларга солинади, улар ўз навбатида тегишли мутахассисликлар бўйича аудиториялар сонини ҳисобга олган ҳолда алоҳида пакетларга солинади. Конвертлар ва пакетлар Академия қабул комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади ва штабда сақланади.

51. Аудитория кузатувчилари номзодлар гувоҳлигида ёзма иш билетлари солинган конвертлар муҳрланганлигига ишонч ҳосил қилгач, уларни очади.

Аудитория кузатувчилари ёзма иш билетларига жавоб ёзиш учун мўлжалланган қатъий ҳисобда турувчи рақамланиб муҳрланган дафтарларни тартиб билан таркатади.

Бунда дафтарларнинг варақлари алмаштириш имконини истисно қиладиган тарзда Академия қабул комиссияси муҳри ва комиссия раисининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

52. Аудитория кузатувчилари номзодларга дафтар муқовасида ўз фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиши, дафтар варақларини букламаслик, фарқ қилувчи белгилар қўймаслик, ёзувлар тагига чизмаслик, жавобларни белгилашда кўк ҳаворанг шарикли ручкадан бошқа ручкадан фойдаланмаслик ҳақида тушунтириш бериши, шунингдек ушбу талабларни бузиш ёзма имтиҳон ўтказиш тартибини бузиш деб ҳисобланиши ҳақида уларни огоҳлантириши лозим.

53. Ёзма ишни ёзишга, қоида тариқасида, тўрт соат вақт берилади.

54. Ёзма иш якунлангач, аудитория кузатувчилари ҳар бир дафтарнинг муқоваси ва биринчи варағига махсус шифрлар қўйиб, дафтарлар муқова-

сини йиртиб олади ва дафтарлар солинган қутиларни, шунингдек муҳрланиб, имзоланган конвертга солинган дафтарлар муқоваларини масъул котибга топширади.

55. Ёзма ишларни текшириш ва баҳолаш мақсадида имтиҳон якунланган куннинг ўзида махсус комиссия ташкил этилади.

56. Махсус комиссия аъзолари томонидан ёзма ишларни текшириш ва баҳолаш учун ажратилган хонага уяли телефонлар, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини олиб кириш тақиқланади.

Ёзма ишларни текшириш жараёнини онлайн кузатиб боришни таъминлаш мақсадида мазкур жараён Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намоёни этиб борилиши мумкин.

57. Махсус комиссия раиси дафтарлар солинган қутиларни масъул котибдан қабул қилиб олиб, махсус комиссия аъзолари иштирокида очади ва дафтарларнинг муқовалари ажратилганлиги ва шифрланганлигини текширади.

Муқоваси ажратилмаган, шифрланмаган ёки номзоднинг шахсини аниқлаш имконини берувчи бошқа белгилар мавжуд бўлган дафтарлар аниқланган тақдирда, далолатнома тузилади. Бундай ишлар текширилмайди.

58. Ёзма иш натижалари тегишли шифрлар билан алоҳида қайдномага киритилади.

Дафтарлар ва ёзма иш натижалари қайдномаси қутиларга солинади ҳамда махсус комиссия раиси томонидан масъул котибга топширилади.

59. Ёзма иш натижалари Академия қабул комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланадиган баённома шаклидаги қарор билан расмийлаштирилади.

Ёзма иш учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи ва ундан кам балл тўплаган номзодлар суҳбатга киритилмайди ва улар магистратурага кириш имтиҳонларидан ўта олмаган ҳисобланадилар.

60. Чет тили бўйича имтиҳон Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолда имтиҳон ушбу Низом қоидаларини инобатга олган ҳолда, Академия билан келишилган тартибда ўтказилади ва баҳоланади.

61. Миллий сертификат ёки халқаро сертификатларнинг қуйидаги даражаларига эга бўлган номзодларга чет тилидан имтиҳонларсиз максимал балл берилади:

инглиз тили учун — B2 ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5.5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — B2 ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — B2 ва ундан юқори даражадаги миллий серти-



фикат ёки Diplôme d'Etudes en Langue Française (DELFF), Test de Connaissance du Français (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари В2 ва ундан юқори;

япон тили учун — В2 ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари В2 ва ундан юқори;

бошқа тиллар учун — В2 ва ундан юқори даражадаги миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари В2 ва ундан юқори.

### 3-§. Сухбат ўтказиш

62. Сухбат бўйича комиссия ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

Сухбат бўйича комиссия раиси комиссия фаолиятини мувофиқлаштиради, унинг фаолиятини ташкилий таъминлаш комиссия котибига юклатилади.

63. Эксперт гуруҳи томонидан сухбатни ўтказиш учун мутахассислик фанлари бўйича, қоида тарикасида, 3 та саволдан иборат имтиҳон билетлари шакллантирилади.

64. Академия қабул комиссияси томонидан сухбат бошланишидан аввал номзодга махсус шифр берилади.

65. Номзод саволлар берилган билетни танлайди. Сухбатга тайёрланиш учун номзодга 20 дақиқа ажратилади. Бунда сухбатга тайёрланиш учун номзод қоғоз варақлардан ҳамда қалам ёки ручкадан фойдаланиши мумкин.

66. Сухбат жараёнида номзод ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўрнига унга Академия қабул комиссияси томонидан берилган махсус шифрни айтиб, саволларга жавоб беради.

67. Сухбатдан ўтиш жараёнида номзодга билетдаги саволлар мазмуни бўйича қўшимча 3 тагача савол берилиши мумкин. Битта номзод билан сухбат 20 дақиқাগача давом этади.

68. Сухбат натижаларини баҳолаш учун сухбат бўйича комиссиянинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил равишда баҳолаш варағини номзоднинг махсус шифри билан бирга тўлдириб, уни имзолайди ҳамда сухбат бўйича комиссия котибига топширади. Комиссия котиби номзодга сухбат бўйича комиссия аъзолари томонидан қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

69. Сухбат жараёни ва натижалари сухбат бўйича комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланадиган ва Академия қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган йиғилиш баённомасида қайд этилади.

### 4-§. Кириш имтиҳонлари натижалари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш

70. Ёзма имтиҳонлар ва сухбат натижаларидан норози бўлган номзод-

лар жавоблар Академия расмий веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб икки иш куни давомида апелляция комиссиясига шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Шикоятлар апелляция комиссияси томонидан икки иш куни ичида кўриб чиқилади.

Номзод шикоятини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

71. Апелляция комиссияси томонидан шикоятларни кўриб чиқишда кириш имтиҳонларининг тўғри ўтказилганлиги, жавобларнинг холис текширилганлиги ва тўғри баҳоланганлигига баҳо берилди ва унинг натижаси бўйича апелляция комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

номзоднинг шикоятини қаноатлантириш тўғрисида;

кириш имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида.

Қарор номзодга дарҳол етказилади.

Апелляция комиссияси қарори комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланадиган баённомада расмийлаштирилади.

72. Зарур ҳолларда, апелляцияни кўриб чиқиш жараёнига махсус комиссия аъзолари, аудитория кузатувчилари ва бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин.

73. Номзоднинг шикояти қаноатлантирилган тақдирда, апелляция комиссияси номзоднинг имтиҳон ишига узил-кесил балл қўяди.

Апелляция комиссияси қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

#### **4-боб. Магистратурага қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш**

74. Академия қабул комиссияси томонидан номзодларнинг кириш имтиҳонларидан олган баллари жамланиб, умумий қайдномада ҳар бир мутахассислик бўйича ташқи ва ички номзодларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилади.

Рўйхатда номзодлар ҳар бир мутахассислик бўйича тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибида ҳамда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинганлар кетма-кетликда жойлаштирилади.

75. Кириш имтиҳонлари натижалари ҳамда қабул квоталарини ҳисобга олган ҳолда, Академия қабул комиссияси томонидан минимал ўтиш баллари белгиланади.

76. Магистратурага ўқишга қабул қилиш жараёнида кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, квота бўйича белгиланган рўйхатда охириги ўринда турувчи номзоднинг тўплаган жами бали билан ундан кейинги ўринда турувчи номзодларнинг тўплаган баллари бир хил бўлса, уларнинг барчаси ўқишга қабул қилинадилар.

77. Умумий қайднома асосида Академия қабул комиссияси томонидан

12 сентябрга қадар номзодларни магистратурага ўқишга қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Академия қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

78. Ҳар йили 15 сентябрга қадар Академия бошлиғининг Академия қабул комиссияси баённомасига асосан номзодларни давлат гранти асосида магистратура тингловчилари сафига қабул қилиш ҳамда тўлов-контракт асосида номзодларни дарсга қўйиш ҳақидаги буйруғи чиқарилади ҳамда бу ҳақдаги маълумот Академия расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тавсия этилган номзодлар шартномада белгиланган тўлов суммасининг ярмини 1 октябрга қадар тўлаган тақдирда Академия бошлиғининг магистратура тингловчилари сафига қабул қилиш ҳақида буйруғи чиқарилади.

79. Тўлов-контракт асосида дарсга қўйилган номзодлар шартномада белгиланган муддатда тўлов суммасини тўлиқ амалга оширишлари лозим.

Тўлов-контракт бўйича шартнома шартларини белгиланган муддатда бажармаган номзодлар ўқишдан четлаштирилади ва бу ҳақда Академия бошлиғининг буйруғи чиқарилади.

Ўқишдан четлаштирилган номзоднинг ўрнига Академия қабул комиссиянинг қарорига асосан баллар кетма-кетлиги бўйича рўйхатдаги кейинги номзод тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

80. Магистратурага ўқишга қабул қилинган номзодларнинг кириш имтиҳонлари билан боғлиқ ҳужжатлари уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Магистратурага ўқишга қабул қилинмаган номзодларнинг ҳужжатлари олти ой давомида сақланади ва кейинчалик белгиланган тартибда йўқ қилинади, уларнинг шахсий ҳужжатлари ўзига ёки ишончли вакилига қайтариб берилади.

81. Магистратурада ўқитишни ташкил этиш жараёни магистратура бўлими томонидан Академиянинг кафедра, марказ ва бўлимлари билан бирга амалга оширилади.

82. Магистратурада ўқитиш тингловчиларни прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга тайёрлаш мақсадида, уларни зарур ўқув-методик ва моддий-техник база билан таъминлаган ҳолда ташкил этилади.

83. Магистратурада академик кредит тизимининг жорий этилиши, Академия ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда тингловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ўқув методик, илмий-педагогик фаолияти, амалиёт ўташи, магистрлик диссертациясини тайёрлаши ва ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар Академия томонидан белгиланади.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

84. Мазкур Низомда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қопланади.

85. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

86. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

*Молия вазири  
вазифасини бажарувчи*

*Т. ИШМЕТОВ*

*2019 йил 20 август*

*Давлат тест  
маркази директори*

*М. КАРИМОВ*

*2019 йил 20 август*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 24 августдан 30 августгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 августдаги 7-сон «Ҳайвонларнинг эгаларидан идентификация қилиш хизматлари учун ундириладиган тўловлар миқдори ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3177.***

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 38-ққ, 90-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг узайтирилган кун гуруҳларида болалар таъминоти учун оналар тўловини ундириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2820-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/18-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқноманинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1047-4.***

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 366-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-6.***

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 367-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 524-2.***

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 368-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1354-1.*

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 369-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1453-1.*

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 370-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1679-3.*

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 371-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2162-1.*

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 372-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979-1.*

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Транспорт вазирлигининг 2019 йил 9 августдаги 33-2019-ққ, 91, 5-сон «Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2019 йил 26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3130-1.*

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 августдаги 374-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 523-4.*

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 августдаги 375-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1395-1.*

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил

10 августдаги 18/6-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 905-6.*

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/5-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-5.*

16. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 19 августдаги 202-мх-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение хизматларини кўрсатиш қоидаларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2794-1.*

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 14 августдаги 2019-52, 94, 352-В-сон «Тижорат банклари томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ҳисобот шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

*2019 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3178.*

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги 18/7-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-11.*

19. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 августдаги 381-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3044-1.*

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил 23 августдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

*2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3179.*

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2019 йил 15 августдаги 9-2019/к/к-сон, 32-сон «Учкудук, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар типдаги Зафаробод посёлкасининг бюджет ташкилотлари ва муассасалари ходимларига муайян давр ишлаганлик учун ойлик тўловлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2019 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1026-1.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютаси билан касса операцияларини юритиш тартиби (рўйхат рақами 611, 1999 йил 22 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 611-1, 2000 йил 25 август), (рўйхат рақами 611-2, 2004 йил 26 май), (рўйхат рақами 611-3, 2006 йил 18 апрель), (рўйхат рақами 611-4, 2018 йил 17 январь), (рўйхат рақами 611-5, 2019 йил 8 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 366-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари (рўйхат рақами 524, 1998 йил 9 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 524-1, 2016 йил 8 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 367-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК, Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржасининг «Биржа савдоларида оқишокни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1354, 2004 йил 12 май).

*Адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 368-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК ва Товар хом ашё биржасининг «Биржа савдоларида унни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1453, 2005 йил 24 февраль).

*Адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 369-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*



5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1679, 2007 йил 8 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1679-1, 2010 йил 16 сентябрь), (рўйхат рақами 1679-2, 2012 йил 2 март).

*Адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 370-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг валюта майдончаси орқали сотиладиган юқори ликвидли маҳсулотлар нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2162, 2010 йил 10 декабрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 371-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Саноатда қайта ишлаш учун мўлжалланган экстракцион пахта мойини биржа савдолари орқали фақат «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2979, 2018 йил 14 март).

*Адлия вазирининг 2019 йил 26 августдаги 372-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг томонидан тасдиқланган Тижорат банкларида давлат қисқа муддатли облигациялари билан боғлиқ операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобининг муваққат тартиби (рўйхат рақами 523, 1998 йил 9 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 523-1, 1999 йил 1 апрель), (рўйхат рақами 523-2, 1999 йил 1 декабрь), (рўйхат рақами 523-3, 2014 йил 25 ноябрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 28 августдаги 374-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўздавнефтвазинспекция», «Ўзбекнефтгаз» МХК ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Истеъмолчиларни табиий газ билан лимитсиз асосда таъминлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1395, 2004 йил 30 июль).

*Адлия вазирининг 2019 йил 28 августдаги 375-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

10. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлигининг «Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3044, 2018 йил 27 июль).

*Адлия вазирининг 2019 йил 30 августдаги 381-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**